

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ  
ҚЎҚОН ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

---

*«МИЛЛИЙ ҒОЯ, МАЪНАВИЯТ АСОСЛАРИ ВА ҲУҚУҚ ТАЪЛИМИ» КАФЕДРАСИ.*

Барча мутахассислик йўналишлари бўйича

**“ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
КОНСТИТУЦИЯСИНИ  
ЎРГАНИШ” ФАНИДАН**

*МАЪРУЗАЛАР МАТНИ.*

ҚЎҚОН - 2011

**“Ўзбекистон Республикаси -Конституциясининг қабул қилиниши мамлакат ҳаётида улкан сиёсий воқеа, янги Ўзбекистонни қарор топтириш жараёнидаги муҳим қадам бўлди. Конституция суверен давлатимизнинг қонунчилик – ҳуқуқий негизини шакллантиришнинг асосий пойдевори, мустақил давлатчилигимизнинг тамал тоши бўлди”.**

**И.А. Каримов**

## **КИРИШ**

Ўзбекистон Республикасининг демократик ва ҳуқуқий давлат қуришдан мақсади – мамлакатда яшовчи ҳар бир кишининг ҳуқуқ ва эркинликларини тўла таъминлашдир. Бунинг учун аввало Ўзбекистонда ҳуқуқий асос яратилди, яъни республика Конституцияси ва қабул қилинган қонунларда умумецтироф қилинган халқаро ҳужжатлар қоидаларига мос келувчи инсон ҳуқуқ ва эркинликлари белгилаб қўйилди. Президентимиз И.А.Каримов раҳбарлигида демократик давлат бунёд этиш жараёнини бошлаб юборди.

Бизнинг Республикамиз ушбу йўлда дастлаб бутун жамиятни демократик асосда батамом янгилаш имконига эга бўлган, демократияни, тенгликни, ҳурликни, инсон ҳуқуқлари устуворлигини кафолатловчи асосий меъърий ҳуқуқий ҳужжат – Конституцияга эга бўлганимиздир.

Маълумки, ҳар бир давлатда, унинг ички ва ташқи ҳаётини тартибга солиш ва давлат механизмнинг режали ишлаб туришини таъмин этиш учун кўплаб қонунлар ва қонуности актлар қабул қилинади. Уларнинг баъзилари иқтисодга, баъзилари сиёсатга, баъзилари эса маданият ва ҳаётнинг бошқа соҳаларига тегишли бўлиши мумкин. Аммо бу қонунларнинг ҳаммасини бир мақсад, ва бир ғоя ва бир тартибга боъйсундирадиган ягона умумдавлат асосий қонуни – Конституциядир.

Давлатимизнинг бу Асосий қонуни умубашарий ғоялар билан суғорилган, Ўзбекистон халқларининг асрий эзгу орзуси бўлмиш мустақилликка, жамиятда янги ижтимоий муҳит яратишга ҳизмат қилишга қаратилган.

Мазкур маърузалар матнида Конституциянинг мазмун – моҳиятини очиб берилган бўлиб, талабаларимиз учун Конституция ва унинг асосида қабул қилинган бошқа муҳим қонунларимизнинг мазмун – моҳиятини чуқур ва мукамал ўрганишларида, ҳамда Республикамизда демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамияти қуришга, талаба ёшларимизнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга ҳизмат қилади деган умиддамиз.

## **1-мавзу. Ўзбекистон республикаси конституциясини ўрганиш ўқув курси, унинг мақсад ва вазифалари.**

Режа.

1. Конституцияни ўрганиш ўқув курсининг тушунчаси, предмети, методологияси.
2. Конституцияни ўрганиш ўқув курсининг мақсади, вазифалари ва тизими.
3. Ўқув курсининг ижтимоий ва ҳуқуқий фанлар тизимида тутган ўрни ва аҳамияти.

### **Таянч иборалар:**

Конституция, Конституцияни ўрганиш, Конституциянинг мақсади, Конституциянинг вазифалари, Конституциянинг манбалари, Конституциянинг бошқа фанлардан фарқи, Конституциянинг аҳамияти.

**Конституцияни ўрганиш ўқув курсининг тушунчаси, предмети, методологияси.** Ҳуқуқнинг бошқа тармоқлари каби Конституцияни ўрганиш фани ўз предметиға эға. Уни билиб олиш эса ҳуқуқий тартибға солишнинг ҳослигини аниқлаш, демак, ҳуқуқнинг бу тармоқи мундарижаси, вазифаси ва мақсадлари ҳақида, унинг бошқа тармоқлардан фарқи тўғрисида тушунчаға эға бўлиш учун зарурдир. Конституцияни ўрганиш фани предметини белгилаш катта аниқликни талаб этади. Чунки бу тармоқда гап тўғридан - тўғри инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқлари, бурчлари ва эркинликлари кафолатлари ҳақида боради.

Халқ ҳокимиятчилигига асосланган демократик давлат органларини ташкил этиш қонун устуворлигига асосланган ижроия ҳокимиятини, мустақил судни, маҳаллий ўз-ўзини бошқарувни ўрнатишни тақозо этади. Конституция ўз нормаларида инсон ва давлат ўртасидаги муносабатларни тартибға солар экан, у давлатнинг моҳиятини, шаклини ҳам белгилаб беради. Биз у ёки бу давлатнинг Конституциясига қараб ҳокимиятнинг мақсади ва моҳиятини аниқлашимиз мумкин.

**Конституцияни ўрганиш ўқув курсининг мақсади, вазифалари ва тизими.** Тоталитар жамиятда Конституциявий ҳуқуқнинг роли расмий, қотиб қолган амалиёт билан чекланган ва таъсирсиздир, чунки бутун реал ҳокимият ягона партия, синф қўлида бўлади ва диктаторлик усуллари билан амалға оширилади. Аммо демократик давлатда бу ҳуқуқнинг муттасил ривожланиши сиёсий фикрлар хилма-хиллиги таъсири остида амалға ошади. Бу ҳол, айниқса, ҳозирги пайтда демократияға ўтиш жараёнини бошидан кечираётган Ўзбекистон учун характерлидир. Бу ерда Конституцияни ўрганиш фанининг ўзи ислохотларнинг объекти бўлиши билан бирға, фуқаролар тинчлиги ва осойишгалиги учун зарур шароитлар яратади. Турли сиёсий, шу жумладан, экстремистик ва ақидапараст кучларнинг ҳокимият учун кураши йўлиға қонуний ва адолатли тўсиқ қўяди. Авторитар давлатларда эса ҳокимият ягона шахс қўлида бўлиши мумкин ва ҳ.к.

Конституцияни ўрганиш фани биринчи навбатда давлат бошқарув шакли ва давлат ҳокимиятини ташкил этиш меъёрларини ўргатади. Бунда у аввалам бор унинг асосий принциплари, манбалари, таълимотлари ва ғоялари нималардан иборат эканлигини аниқ

кўрсатади. Бу ўринда халқ ҳокимиятининг тақсимланиши, давлат бошқарув шакли, кўп партиявийлик, хур фикрлик, виждон эркинлиги, мулк ҳуқуқи каби масалалар муҳим аҳамият касб этади.

Ана шу принцип ва қоидаларга асосан Конституция давлат ҳокимиятининг тизими ва органларини, улар ўртасидаги ўзаро муносабатларни тартибга солади. Бу ўринда Конституция давлат ҳокимиятининг тақсимланиши назариясини амалга ошириб, қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятларини ўзаро тийиб туриш ва мувозанатда тутиш қоидасини таъминлайди.

Конституция нормаларидаги яна энг муҳим масалалардан бири инсон ва давлат ўртасидаги муносабат масаласидир. Бунда асосий диққат эътибор инсоннинг эрки, ҳаёти, мулки каби ҳуқуқларининг таъминланганлиги ва кафолатланишига қаратилади.

Конституцияда инсоннинг табиий ҳуқуқлари, яъни яшаш, меҳнат қилиш, касб танлаш, мулкдор бўлиш ҳамда барчанинг қонун олдида тенглиги каби ҳуқуқларининг муқаддаслиги ва дахлсизлиги аниқ белгилаб қўйилади. Масалан, шахс суднинг ҳукмисиз озодликдан маҳрум этилмайди ёки унинг мулки, турар жойи дахлсиздир ва ҳ.к. Давлат инсонга хизмат қилади ва у одамлар олдида масъулдир.

Конституцияда кўриладиган яна муҳим масалалардан бири давлат ва жамият ўртасидаги муносабат масаласидир. Албатта, давлат қонунлар орқали жамиятда тартиб ўрнатади. У ўтиш даврида асосий ислохотчилик вазифасини бажаради. Бу давлат жамият устидан ҳукмронлик қилади, деган фикрни билдирмайди. Давлат ҳам жамиятнинг асосий бир бўғини сифатида амал қилади. Жамият давлатдан кўра кенгдир. Жамият давлат, нодавлат ва жойларда ўзини ўзи бошқариш органларини мужассамлаштирган ҳолда бир бутун тарзда намоён бўлади.

**Ўқув курсининг ижтимоий ва ҳуқуқий фанлар тизимида тутган ўрни ва аҳамияти.** Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишда ўқув курсининг ижтимоий ва ҳуқуқий фанлар тизимида тутган ўрни ва аҳамияти жуда ҳам каттадир. Ушбу фан ҳуқуқшунослик фани билан узвий боғлиқдир Конституциянинг II – бўлимда “Инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари” тўғрисида фикр юритилиб, унда умумий қоидалар, фуқаролик, шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар, сиёсий ҳуқуқлар, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлар ва фуқароларнинг бурчлари ўз аксини топган. Масалан 18-моддада Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир ҳил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар, қонун олдида тенгдирлар”.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш фани иқтисод фани билан боғлиқдир. Масалан 36- моддада ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли. Банкка қўйилган омонатдан сир тугилиши ва мерос ҳуқуқи қонун билан кафолатланади. Конституциясининг XII-боби жамиятнинг иқтисодий негизларига бағишланиб 53-моддада бозор

муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил мулк ташкил этади. Конституциянинг XXII-боби “Молия ва кредит деб номланиб, унда Ўзбекистон Республикаси ўз молия ва пул-кредит тизимига эга эканлиги, ягона солиқ тизими амал қилиши, банк тизимини Республика Марказий банки бошқариши кўрсатиб ўтилган бўлса, 54-моддада “Мулкдор мулкига ўз хоҳишича эгалик қилади, ундан фойдаланилади ва уни тасарруф этади. Мулкдан фойдаланиш экологик муҳитга зарар етказмаслиги, фуқаролар, юридик шахслар ва давлатнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шарт, - деб уқтириб ўтилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш фани диншунослик фани билан боғлиқлигини 61-моддада кўришимиз мумкин. “Диний ташкилотлар ва бирлашмалар давлатдан ажратилган ҳамда қонун олдида тенгдирлар. Давлат диний бирлашмаларининг фаолиятига аралашмайди.

Экология фани билан боғлиқлик тўғрисида фикр юритар эканмиз Конституциянинг 50-моддаси ҳақида фикр юритишимиз жоиз. Ушбу моддада “Фуқаролар атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар” деб таъкидланган.

#### **Мавзунини такрорлаш учун саволлар.**

- 1.Ўқув курси жорий қилинишининг аҳамияти нимадан иборат?
- 2.Ўқув курсининг мақсади нимадан иборат?
- 3.Ўқув курсининг ўрганиш усуллари?
- 4.Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишнинг аҳамияти

#### **Адабиётлар:**

- Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Тошкент., 2010 й.
- И.А. Каримов Конституция тўғрисида. Тошкент., 2001 й.
- А.Каримовнинг “Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ташкил этиш тўғрисида”ги 2001 йил 4 январ Ф- 1322 сонли қарори.
- Ўзбекистон Республикаси Конституциявий ҳуқуқи. Наманган., 2002.й
- Ўзбекистон Республикаси Конституциясига шарҳлар. Тошкент.,2001й
- Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий ҳуқуқи. Тошкент.2002
- Президент асарларида Конституцияни талқини. // Қонун ҳимоясида. Тошкент., 2002 й.
- Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишда президент И.А.Каримов асарларидан фойдаланиш буйича услубий қўлланма.Тошкент., 2002й

## 2-Мавзу. Ўзбекистоннинг 1992 йилги Конституциясининг

вужудга келиши.

Режа.

1. Ўзбекистоннинг мустақилликка қадар Конституциявий тарихи.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов – Мустақил Ўзбекистон Конституциясининг ташаббускори ва ижодкори.
3. Конституция – давлатнинг Асосий қонуни.
4. Конституциянинг давлат ва жамият ривожланишидаги тутган ўрни.

### **Таянч иборалар:**

Конституция тарихи, Конституция ва мустабид тузум, суверен давлат, Конституциявий ислохот, Конституциянинг лойиҳаси, Конституциянинг нормалари, Конституция ва ҳуқуқий муносабат.

**Ўзбекистоннинг мустақилликка қадар Конституциявий тарихи.** Ҳар бир давлатнинг бошқарув тизими тарихан маълум бир ҳуқуқий манбааларга биноан шакллантирилган. Лекин бу ҳуқуқий манбалар турли кўринишларда ва турлича иборалар билан номланиб келинган. Ҳозирги Ўзбекистон Республикаси ҳудудида илгаридан Конституциявий ҳужжатлар, яъни сиёсий тузум моҳиятини белгиловчи асосий меъёрий ҳужжатлар мавжуд бўлган. Масалан, тарихий манбаларга кўра, VIII асрдан бошлаб Мовароуннаҳрда ижтимоий муносабатларни тартибга солиб турувчи Асосий Қонун (манба) тариқасида Қуръони Карим амалда бўлган. Шунингдек, XII-XIX асрларда Мовароуннаҳрда шариат билан бир қаторда давлатнинг ҳуқуқий аҳволига маълум даражада таъсир кўрсатиб келган Чингизхон ёсуси ва Амир Темур тузуклари Шарқона маданиятга монанд Конституциявий ҳужжатлар эди.

Ўзбекистон тарихида 1992 йилги Конституциясига қадар бир нечта Конституциялар қабул қилинган бўлиб, лекин улар мустақил Ўзбекистон Конституциялари эмас эди. Маълумки, Ўзбекистон ССР ташкил этилгунга қадар мамлакатимиз ҳудудида РСФСР таркибидаги Туркистон АССР ва Ҳоразм ва Бухоро Совет республикалари каби мустамлака давлатлар мавжуд бўлган. Болшевиклар раҳбарлигидаги Советлар ҳукмронлигига асосланган бу давлатларда Конституцияларнинг мавжудлиги гўёки мустақиллик белгиси сифатида кўрсатилар эди. Аслида бундай Конституциялар РСФСР, кейинчалик СССР Конституцияларидан бир кўчирма эди холос. 1918 йил 15 октябрда болшевикларнинг ҳокимиятини Туркистон АССР ҳудудида амалга оширишни белгилаб берувчи ТАССРнинг биринчи Конституцияси 1918 йил 10 июнда қабул қилинган РСФСР Конституцияси асосида қабул қилинди. Унга биноан Туркистон АССР РСФСРнинг бир таркибий қисми ҳисобланган.

Туркистон АССРнинг янги таҳрирдаги Конституцияси 1920 йил 24 сентябрда Туркистон ўлкаси Советларининг IX съездида қабул қилинди ва у Туркистоннинг мустамлака давлат сифатидаги "ҳуқуқи"ни аниқ белгилаб берди. Бу янги Конституцияси 20

боб, 109 та моддадан иборат бўлиб, унда хон ва унинг қариндошларига тегишли бўлган мулклар давлатники деб белгиланди ва Москвага олиб кетилди. Лекин ишлаб чиқариш қуроллари ва воситаларидан хусусий мулк сифатида фойдаланишга рухсат берилди ҳамда пул билан эркин муомала қилиш ҳуқуқи чексиз деб белгиланди. Завод ва фабрикаларга эгалик қилиш ва бошқа давлатлар билан ўз юртларида тузилган қўшма корхоналарнинг фаолият юритиш ҳуқуқи эски ҳолатда қолдирилди. Болшевикларнинг бундай сиёсат юргизишидан асосий мақсади вақтинчалик маҳаллий халқни алдаш йўли билан фуқаролар урушини тўхтатиш эди. Чунки фуқаролар уруши Туркистонда ўз ҳокимиятларини ўрнатишда асосий кучларини тўплаб олишга имкон бермай қўйган эди. Ўрта Осиёдаги яна бир болшевиклар ҳокимияти ўрнатилган Ҳоразм Совет Республикасида ҳам 1920 йилда Конституция қабул қилинди

1978 йил 19 март куни ЎзССРнинг янги Конституцияси лойиҳаси мутбуотда эълон қилинди. ЎзССР Олий Совети Президиуми томонидан 15 апрел куни Олий Совет сессиясида ЎзССР Конституцияси лойиҳаси СССРнинг 1977 йил 7 октябрида амалга киритилган Конституциясига монанд равишда муҳокама қилиниб айрим моддаларига ўзгартиришлар киритилди ва 19 апрел куни қабул қилинди. Шу тарихи собиқ шўро тузуми шароитида Конституциялар тез-тез ўзгартирилди, яъни барқарор эмас эди «Конституцияда Ўзбекистон СССР таркибига федерация сифатида киради деб белгиланиб, аммо амалда бу федерация бошқаришнинг бир бутун маъмурий- буйруқбозлик тизимини ўзида гавдалантирар эди, кадрлар марказдан туриб тайинланарди, қаерда ва нима қуришни марказ ҳал қиларди, қандай маҳсулотларни ва қанча ҳажмда четдан олиб келиш ҳамда четга чиқаришни марказ белгилаб берарди. Конституция ана шундай идора усулини белгилар ва мустаҳкамлар эди ва у бошқаришнинг тоталитар авторитар тизимига мослаштирилган эди.

Коммунистик партия ҳукмронлик қилган даврда Совет халқининг ҳуқуқий ва маданий ҳаётидаги ривожланишни ўрганишда, шунга диққатни жалб этиш лозимки, партия ва Совет ҳокимиятининг миллий сиёсатни амалга оширишдаги камчиликлари туфайли Совет Иттифоқи таркибига зўрлик билан киритилган республикалар янада "Марказ"га қарам давлатга айланиб бордилар, шу билан бирга, кам сонли халқларнинг ҳуқуқий ҳолатида ҳеч қандай ўзгаришлар ва силжишлар бўлмади. Конституция ва қонунлар тез-тез ўзгартирилди. Бу эса, муаммоларнинг йирилиб қолишига Иттифоқ республикалари ўртасидаги норозилик кайфиятининг кучайиб боришига шароит яратди. Натижада, Иттифоқнинг сиёсий инқирози тезлашди ва миллий муносабатлар соҳасида мураккаб вазиятни келтириб чиқарди.

1917йил феврал инқилобидан кейин, Россия империясини сақлаб қолган болшевиклар Туркистонда 1918 йилдан эътиборан ўз мустамлакачилик сиёсатини, янги-янги ҳужжатлар қабул қилиш усуллари билан амалга ошира бошладилар. Ўрта Осиё халқларидаги миллий ғурур ва мустақил давлатчиликка интилиш руҳини йўқ қилиш мақсадида, ерлик халқлар тарихи сохта маълумотлар билан яратилди. Мустақиллик, озодлик учун курашган ота-

боболаримиз миллатчилик, панисломизм, пантуркизм ҳаракати деб қораланди. Шунингдек, коммунистик партия олиб борган сиёсат туфайли миллионлаб бегуноҳ кишиларнинг қатағон қилинишига, қонунсиз, судсиз йўқ қилиб юборилишига шарт-шароитлар яратилди.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов – Мустақил Ўзбекистон Конституциясининг ташаббускори ва ижодкори.** Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришгач, янги суверен давлат мақомини Конституциявий жиҳатдан мустақамлаб қўйиш муаммоси юзага келди. Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов мамлакат ўзининг ривожланиш ёлини Конституциявий асосда белгилаб олишни бир неча бор таъкидлаб, Ўзбекистон халқининг юз йиллик истиқлол орзуларини рўёбга чиқарди. Ҳаммамизга дунё халқлари тарихдан маълумки, ҳар бир миллат ва элатлар фақат ўз эркинликларини қўлга киритганларидан сўнгина равақ топганлар. "Тарихда Турон, Туркистон ва Мовароуннаҳр номи билан машҳур бўлган Марказий Осиё, айниқса Ўзбекистон ҳудудида минглаб йиллар давомида юксак маданият гуллаб-яшнади.

Юртбошимиз икки ўзаро боғлиқ муаммони - Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини қарор топтириш ва унинг Конституциясини қабул қилиш муамолларини муваффақиятли ҳал этди.

Президентимиз Конституция лойиҳасини аёллар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқчилиги, давлатнинг мадананий ёдгорликлар, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш ҳақидаги моддалар билан тўлдиришни тақлиф қилди, асосий эътиборни Конституциянинг инсон ва фуқаролар эркинликлари ва бурчларини қонуний мустақамловчи моддаларга қаратди.

Суверен Ўзбекистоннинг биринчи Конституцияси ушбу мақсадларга етишишнинг мустақам ҳуқуқий қафолатидир. У мустақил сиёсий-ҳуқуқий ривожланиш ва Конституциявий тузумнинг ўзагидир. Ўзбекистон, Республикаси Президенти И. А. Каримов таъкидлаб ўтганидек, "табиийки ҳар қандай давлатнинг юзи, обрў-эътибори унинг Конституцияси ҳисобланади. Зотан, Конституция давлатни давлат, миллатни миллат сифатида дунёга танитадиган Қомусномадир". Шу маънода Асосий Қонунимиз халқимизнинг иродасини, руҳиятини, ижтимоий онги ва маданиятини акс эттиради. Чунки уни ишлаб чиқиш ва муҳокама этишда бутун халқ, ишпирок этади. Бир сўз билан айтганда, Конституциямиз том маънода халқимиз тафаккури ва ижодининг маҳсулидир".

Табиийки, мустақилликка эришган ҳар бир халқ ўзининг ривожланиш йўлини излайди, янги жамият ва давлат қурилишининг ўз моделини ишлаб чиқиш ҳаракат қилади. Ўзбекистон ўзининг янгиланиш ва тараққиёт йўлини белгилаб олди, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти йўналиши ишлаб чиқилди. Миллий урф-одатларга ва анъаналарга мувофиқ, адолатли фуқаролик жамияти ва демократик ҳуқуқий давлат қурилмоқда. Мустақил мамлакатимизнинг миллий манфаатларини ҳисобга олган ҳолда ташқи сиёсат йўналишлари ва тенг ҳуқуқли халқаро ҳамкорлик принциплари белгилаб

олинди. Конституция эса, барча соҳаларда амалга оширилаётган демократик ислохотларнинг ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилмоқда.

Президентимиз И.А.Каримов Конституциямиз ҳақида гапирар экан, уни “ энг демократик, халқаро миқёсда эътироф этилган меъёр ва талабларга жавоб беради, дейиш учун тўла асосларимиз бор”. Президентимиз фақат Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллигини мустаҳкамлаб, Конституциянинг қабул қилиниши вазифасини хал қилибгина қолмай, балки Конституциянинг кафили сифатида майдонга чиқди, Конституция нормалари ва қоидаларини ҳаётга тадбиқ қилишни ҳам амалга оширди. Президент Конституциянинг кафили сифатида унга риоя қилишининг эталони ҳисобланади ва у Конституцияни ҳимоя қилиш механизми таъсирининг самарадорлиги учун шахсан жавобгарлик намуналарини кўрсатмоқда, ҳамда Конституциявий нормаларнинг кундалик ҳаётимизда лозим даражада жорий этилишини таъминламоқда.

**Конституция – давлатнинг Асосий қонуни.** Конституция — муҳим сиёсий-ҳуқуқий ҳужжат бўлиб, ҳокимият тўғрисидаги, шахснинг ҳуқуқий ҳолати ҳақидаги, давлатнинг маъмурий-ҳудудий тузилиши каби масалалар унинг мазмунини ташкил этувчи асосий манба бўлиб ҳисобланади. Конституциянинг нормалари давлат органлари, мансабдор шахслар, фуқаролар ва бизнинг ҳудудимизда яшаб турган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар фаолиятига умуми асос бўлиб хизмат қилади.

Конституциянинг тушунчаси ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маънавий фактлар билан белгиланади. Конституция Асосий Қонун сифатида жамиятдаги сиёсий институтларни, давлат ҳокимиятини амалга оширилишини таъминди, халқнинг сиёсий ҳокимият сари тобора яқинлашувига шароит яратиб беради. Шунинг учун ҳам Конституция ўзида халқ иродасини ифодалаб, халқ ҳокимиятчилиги институтларини мустаҳкамлайди.

Конституция атамаси латинча сўздан олинган бўлиб, "Белгилайман", "Таъсис этаман" деган маънони билдиради. . Бу атама қадимги Рим қонун ҳужжатларида учрайди. Ўша даврда император томони белгиланадиган, таъсис этиладиган турли ҳужжатларни англаца-да, аслида давлат қонунчилиги тизимининг энг тепасида турувчи асосий қонун ҳисобланган.

Конституция муқаддима ва олти бўлимдан иборат:

Биринчи бўлим- “Асосий қонунлар” деб номланиб, унда давлатчиликнинг асосий тамойиллари – давлат мустақиллиги, халқ ҳокимияти, қонун устуворлиги ҳамда Республика ташқи сиёсатининг принциплари кўрсатилган.

Иккинчи бўлим - инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари ҳамда мажбуриятларини мустаҳкамлайди. Унда умумий қоидалар, фуқаролик, шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар, иқтисодий ҳуқуқ ва эркинликлар, инсон ҳуқуқи ва эркинликлари кафолати ҳамда инсон эркинликлари ва мажбуриятлари белгилаб берилган.

Учинчи бўлим - жамият ва шахснинг ўзаро муносабатларига бағишланган. Жамиятнинг иқтисодий асослари, жамоат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ўз аксини топган.

Тўртинчи бўлим - Республиканинг маъмурий ҳудудий ва давлат қурилиши масалаларига аниқлик киритилган.

Бешинчи бўлим - давлат ҳокимияти идораларини ташкил этиш ҳақида бўлиб, унда ҳокимият ваколатларини тақсимлаш принципи ўзининг амалий ифодасини топган, яъни қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти идоралари Конституциявий мақоми муайян тартибда мустақамланган. Давлатимизнинг марказий идоралари: Олий Мажлис, Президент, Вазирлар Маҳкамаси, Конституциявий, Олий ва Хўжалик Судлари, Прокуратура, маҳаллий давлат ҳокимияти идораларининг Конституциявий мақоми белгилаб берилган. Сайлов тизимининг принциплари, молия ва кредит, ҳавфсизлик ва мудофаа масалалари ҳам Конституциявий тартибга солиш доирасига кирган.

Сўнги, олтинчи бўлим - Конституцияни ўзгартириш муаммосига бағишланган бўлиб, ҳуқуқий нуқтаи назардан Асосий Қонуннинг барқарорлигини таъминлашга қаратилгандир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг тузилиши унинг, биринчидан, фуқаролар тинчлигига, яъни миллий ва ижтимоий тотувликка, иккинчидан, шахс эркинлигига ва сайлов эркинлигига, учинчидан сиёсий барқарорликка, тўртинчидан, фаровонлик ва иқтисодий ўсишга, бешинчидан, давлатнинг одамлар олдидаги ўз бурчини бажаришига эришишга қаратилган.

Жамият ва давлат қурилишининг бошланғич асосини, халқ оммасининг эркини, иродасини ўзида мужассамлашгирган давлатнинг Асосий Қонуни ҳуқуқшуносликда Конституция деб юритилади.

Конституциянинг асосий мақсадлари унинг Муқаддимасида белгиланган. Муқаддима — Конституциянинг мақсадлари, принциплари ва асосий қоидаларини кўрсатувчи кириш қисмидир. Муқаддима — барча Конституцияларнинг муҳим қисми. Мазмуни ва ҳажмига кўра, ҳозирги Конституцияларнинг муқаддималари турлича. Ўзбекистон Республикаси 1992 йилги Конституциясининг Муқаддимаси Ўзбекистон халқи ўзининг тўла ҳуқуқди вакиллари — парламент аъзолари, яъни Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши депутатлари қиёфасида Конституцияни қабул қилишдан кўзланган асосий мақсадлар ва принципларни қисқа шаклда тантанали равишда эълон қилади.

Табиийки, мустақилликка эришган ҳар бир халқ ўзининг ривожланиш йўлини излайди, янги жамият ва давлат қурилишининг ўз моделини ишлаб чиқиш ҳаракат қилади. Ўзбекистон ўзининг янгиланиш ва тараққиёт йўлини белгилаб олди, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти йўналиши ишлаб чиқилди. Миллий урф-одатларга ва анъаналарга мувофиқ, адолатли фуқаролик жамияти ва демократик ҳуқуқий давлат қурилмоқда. Мустақил мамлакатимизнинг миллий манфаатларини ҳисобга олган ҳолда ташқи сиёсат йўналишлари ва тенг ҳуқуқли халқаро ҳамкорлик принциплари белгилаб олинди. Конституция эса, барча соҳаларда амалга оширилаётган демократик ислохотларнинг ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилмоқда.

Муқаддимада Ўзбекистон халқининг ўз истиқлол ва тараққиёт йўлида қайси сиёсий, ҳуқуқий негиз ва принципларга таяниши аниқ кўрсатиб берилган. Бу негиз ва принциплар: биринчидан, жаҳоннинг маърифий ривожланган мамлакатлари эътироф этган инсон ҳуқуқлари ва давлат суверенитети роллари ва принципларига содиқлик; иккинчидан, ҳозирги ва келажак авлодлар олдидаги юксак масъулиятни англаш; учинчидан, ўзбек давлатчилигининг бой тарихий тажрибасига таяниш; тўртинчидан, демократия ва ижтимоий адолат идеалларига садоқат; бешинчидан, халқаро ҳуқуқнинг бугун жаҳонда эътироф этилган қоидаларини тан олиш; олтинчидан, Ўзбекистон фуқароларининг фаровон ҳаёт кечиришларини таъминлаш; еттинчидан, инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлатни барпо этиш; саккизинчидан, фуқаролар тинчлиги ва миллий ҳамжихатлигини кафолатлашдан иборатдир.

**Конституциянинг давлат ва жамият ривожланишидаги тутган ўрни.** Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси чинакам демократик Конституциядир, у тарихда синалган умуминсоний ҳуқуқий қадриятларни ўзида мужассам этган. Халқимиз адолат, тенглик, аҳил қўшничилик ва инсонпарварликнинг нозик куртакларини асрлар оша авайлаб-асраб келмоқда. Ўзбекистонни янгилашнинг олий мақсади ана шу анъаналарни қайта тиклаш, уларга янги мазмун бағишлаш, заминимизда тинчлик ва демократия, фаровонлик, маданият, виждон эркинлиги ва ҳар бир кишини камол топтиришга эришиш учун зарур шарт-шароит яратишдир. Инсон ҳуқуқларига оғишмай амал қилиш ва демократия каби умумбашарий қадриятлар Ўзбекистон миллий давлатчилиги манфаатларига, халқининг ўзига хослигига, унинг анъана ва урф-одатларига тўла мос келади. Инсон ҳуқуқлари бизнинг жамиятимизда Конституция ва қонунлар билангина эмас, балки халқимизнинг миллий онги, унинг маънавий-ахлоқий дунёқараши ва тарихий тажрибаси, меҳр-шафқати ва сезгирлиги билан мустаҳкамланади.

Ўзбекистон Конституцияси энг ривожланган, тараққий этган демократик давлатларнинг юридик тажрибаси ва жаҳон Конституциявий амалиётига таянган ҳолда яратилган. Конституциямиз Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳужжатларига, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қоидаларига асосланган, шунингдек, уни яратишда Америка Қўшма Штатлари, Япония, Канада, Германия, Франция, Португалия, Италия, Швеция, Туркия, Испаниянинг ҳамда Шарқ мамлакатларидан Ҳиндистон, Покистон, Миср давлатларининг Конституциявий тажрибасидан ижобий фойдаланилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясини баҳолашда халқаро холис экспертлар, жумладан, Америка Қўшма Штатлари, Буюк Британия, Франция, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европа Ҳавфсизлик ва Ҳамкорлик Кенгаши каби нуфузли давлатлар ҳамда халқаро ташкилотларнинг ҳуқуқшунос ва сиёсатшунос олимлари ва вакиллари фаол қатнашдилар. Ҳеч ким, Конституциямизнинг демократик моҳиятини ва афзалликларини инкор эта олмади.

"Бизнинг Қомус демократик Конституцияларга қўйилдиган юксак талабларга жавоб беради, инсон ҳамда фуқаронинг барча ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини кафолатлайди". Шу маънода қандай илғор давлат Конституцияси билан бемалол куч синашмоқда. Шунинг учун ҳам Конституциямиз энг илғор ҳуқуқий ғояларни ўзида мужассамлаштирганлиги, унинг энг демократик анъаналар асосида яратилганлигини бутун жаҳон эътироф этмоқда.

Ўзбекистон Конституцияси халқимизнинг маънавий, маданий мероси, миллий тафаккури, кўп асрлик ўзбек давлатчилиги тажрибаси ҳамда ҳуқуқий анъаналарига асосланган ва уларнинг бой ижобий тажрибасини ўзида акс эттирган.

Конституциямиз халқимизга ҳос бўлган хусусиятлар: меҳр-оқибат, одамийлик, ўзга миллат ва элатларга ҳурмат, ақл-заковатга интилиш, ор-номус, иффат ва ҳаё каби эзгу фазилатларга асосланган.

Мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Конституцияси келажаги буюк давлатнинг ишончли ҳуқуқий кафолатларини мустаҳкамлайди. У бизга инсон ҳуқуқлари, демократия, эркинлик, барқарорлик ва тараққиёт принциплари мажмуини ифодаладиган ҳуқуқий ва адолатли давлат қуриш йўлларини аниқ очиб беради.

#### **Мавзунинг такрорлаш учун саволлар:**

1. Ўзбекистоннинг 1992 йилги Конституциясига қадар нечта Конституция қабул қилинган?
2. Ҳозирги Конституциянинг олдинги Конституциялардан фарқи нимада?
3. Президентимизнинг Конституцияга берган шарҳларини айтинг?
4. Конституцияни билиш ва унга содиқлик руҳида тарбиялашни – ватанпарварлик тушунчаси билан тенглашгирса бўладими?

#### **Адабиётлар:**

- Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Тошкент., 2010 й.
- И.А.Каримов.Ўзбекистон миллий истиқлол, иқтисод,сиёсат,мафкура.Тошкент.,1996.й
- И.А .Каримов . Бунёдкорлик йўлидан. Тошкент.,1996й
- И.А.Каримов .Конституция ҳақида. Тошкент.,2001 й.
- Муҳаммедов Ҳ.М. Ўзбекистон давлатчилигининг ҳуқуқий асослари.
- Одилқориев Ҳ.Т. Ўзбекистонда Қонун чиқариш жараёни Тошкент., 1995й.
- Ўзбекистон Республикаси Конституциясига шарҳлар. Тошкент.,2001
- Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишда президент И.А.Каримов асарларидан фойдаланиш бўйича услубий қўлланма.Тошкент., 2002й

### 3 - Мавзу. Мустақил Ўзбекистоннинг 1992 йилги конституцияси ва унинг асосий тамойиллари.

Режа:

1. Ўзбекистон Республикасида халқ ҳокимиятчилиги ва уни амалга оширишнинг асосий шакллари.
2. Ўзбекистонда ҳокимиятнинг бўлиниши принципи.
3. Конституция ва қонуннинг устунлиги принципи тушунчаси ва моҳияти.
4. Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатининг асосий тамойиллари.

#### **Таянч иборалар:**

Давлат, миллат, халқ суверенитети, халқ ҳокимиятчилиги, ҳокимиятнинг бўлиниши, Конституция устунлиги, Конституция принципи, муҳофаза ва ҳавфсизлик органлари.

**Ўзбекистон Республикасида халқ ҳокимиятчилиги ва уни амалга оширишнинг асосий шакллари.** "Халқ ҳокимиятчилиги" атамаси юнонча "демократия" сўзининг ўзбек тилига таржимаси бўлиб, бу ибора илк бора юнон шаҳар - давлатида пайдо бўлган ва кейинчалик бутун дунёга тарқалган ҳамда сиёсий луғатдан мустақкам ўрин олган. Демократия сўзи "демос" халқ ва "кратос" ҳокимият сўзларининг бирикмасидан тузилиб, "халқ ҳокимиятчилиги" деганидир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов демократия тушунчасини қуйидагича изоҳлайди: "Умумий тарзда демократия деганда ҳамманинг манфаатлари йўлида кўпчиликнинг ҳокимияти ва озчиликнинг иродасини ҳурмат қилиш тушунилади. Батафсил таҳлил қилинганда эса демократия -халқнинг ўз эркинлиги ва мустақиллигига қарашлари ҳам, ҳар бир шахснинг манфаатлари ва ҳуқуқларини ўзбошимчалик билан чеклашлар ва шу йўсиндаги ҳаракатлардан ҳимоя қилиш ҳам, фуқароларнинг ўз ўзини бошқариш шакли ҳам эканлиги аён бўлади."

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг "Халқ ҳокимиятчилиги" деб номланган иккинчи боби давлатимизнинг демократик табиатини ифодалайди ва Ўзбекистонни суверен демократик республика эканлигини тасдиқлайди. "Халқ ҳокимиятчилиги" принципи ҳар қандай демократик давлат Конституциявий тузумининг асосий шартларидан биридир. Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикаси демократик давлат ҳисобланиб, унинг Асосий Қонуни халқ ҳокимиятчилиги принципига асосланади ва бутун мазмун-моҳияти билан ана шу принципни мустақкамлайди. Умуман, Ўзбекистон Конституциясининг жуда кўп моддасига халқ ҳокимиятчилиги ғояси сингдирилган бўлиб, бунга кўра, ҳокимият амалда ва қонун бўйича танҳо халққа тегишлидир. Зеро, халқ ҳокимиятчилиги деганда ҳокимиятнинг фақат халққа тегишли эканлиги, давлат халқ иродасини ифодалаши ва унинг манфаатларига ҳизмат қилиши лозимлиги, давлатнинг асосий вазифаларидан бири инсон ва жамиятнинг фаровонлигини таъминлашга қаратилган бўлиши кераклиги тушунилади.

Ўзбекистонни демократик давлат сифатида тавсифловчи белгиларидан бири -бу Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимиятининг бўлинганлигидир. Ушбу қоида Конституциямизда асосий принцип тариқасида ўрнатилган. Шу тариқа, давлат ҳокимиятининг бўлиниши принципи Ўзбекистоннинг Конституциявий тарихида биринчи марта пайдо бўлди.

**Ўзбекистонда ҳокимиятнинг бўлиниши принципи.**"Ҳокимиятнинг бўлиниши" ғояси қадимий бўлиб, қадимги грек файласуфи ва олими Аристотель томонидан ҳам илгари сурилган. Ўрта асрларда Марсимий Падуанский ва бошқалар ҳам бундай ғояни ёқлаб чиққан эдилар. XVIII асрнинг ўрталарига келиб, бу ғоя мустақил таълимотга айланган. Машҳур франсуз маърифатпарвари, ҳуқуқшунос, файласуф ва ёзувчи Монтескьэ (1689-1755 йиллар) ўзининг . "Қонунлар руҳи" китобида ҳокимиятнинг бўлиниши принципини илгари сурган. Монтескьэ фикрича, сиёсий хиёнатларнинг бўлмаслигини таъминлайдиган нарсаси уч ҳокимиятнинг: қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятининг тўла бўлиниши ва бир-бирини чеклашидир. Ўрта асрлардаги феодал тузумларнинг барҳам топиши ва янги даврнинг бошланиши билан "ҳокимиятнинг бўлиниши" принципи кўпгина давлатлар Конституцияларининг асосий приссипларидан бири деб эълон қилинди. Бу принцип биринчи марта буюк франсуз инқилобининг Конституциявий ҳужжатларида ўз ифодасини топди.

Умуман, "ҳокимиятнинг бўлиниши" назариясига кўра, давлат ҳокимияти ягона, яхлит, бир бутун деб эмас, балки турли ҳокимият (қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ваколатларини амалга оширувчи ҳокимиятлар) функцияларининг йиғиндиси сифатида тушунилади. Бундай турли функцияларни амалга оширувчи ҳокимият органлари бир-биридан мустақил равишда ҳаракат қилишлари лозим, Лекин бу уч мустақил ҳокимият идоралари бир-бирига боғлиқ эмас, деган маънони билдирмайди. Аксинча, улар бир-бирини тўлдирди, назорат қилади ва тақозо этади.

Ҳозирги замон жаҳон мамлакатларининг Конституциявий тажрибаси шунини кўрсатадики, ҳокимиятларнинг бўлиниш принципи улар ушбу принципи, улар ушбу принцип расман ўрнатилган ёки ўрнатилмаганлигидан қатъий назар, барча чет эл Конституциялари томонидан қабул қилинган.

Республикамиз Президенти И.А.Каримов таъкидлаганларидек, Қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти - давлатнинг учта асосий таянчидир.

**Конституция ва қонуннинг устунлиги принципи тушунчаси ва моҳияти.** Конституция ва қонунларнинг устунлигининг таъминланиши ҳуқуқий давлатнинг муҳим белгиларидан бири бўлиб, у Ўзбекистонда давлат-ҳуқуқий қурилишининг энг асосий принципи ҳамдир. "Конституция ва қонунларнинг устунлиги приссипи шунини англатадики, — дейди Президентимиз Ислам Каримов, бунда барча жорий қонунлар ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар Конституция асосида ва унга мувофиқ бўлиши талаб этилади" Улуғ бобокалонимиз Амир Темур айтганларидай: "Қаерда қонун ҳукмронлик қилса, шу ерда

эркинлик бўлади". Ўзбекистон Конституциясида Конституция давлатимизнинг энг Асосий Қонуни эканлиги, у бошқа барча қонунлар ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардан юқори туриши қуйидагича белгиланган:

Конституция ва қонунлар тўғрисида сўз кетар экан, аввало уларнинг бир-биридан фарқини ажратиш олиш керак. Конституция давлатнинг Асосий Қонуни бўлиб, у бошқа жорий қонунлардан шу билан фарқ қиладики, унда энг асосий, энг барқарор ижтимоий муносабатлар, узоқ даврларга мўлжалланган бош принципиал қоидалар мустаҳкамланган ва бу қоидалар бевосита амал қилиб, бошқа қонун чиқариш ҳужжатларида очиб берилади ва конкретлаштирилади. Шу сабабли Конституция гарчи муҳим бўлсада, лекин Асосий Қонун доирасига сиғмайдиган бир қанча қоидаларни ўз ичига олмайди, Конституцияда мавжуд бўлган қоидалар негизида ва уларни ривожлантира бориб, заруриятга қараб бошқа қонунлар ва ўзгача меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилади ва қабул қилинади. Бунда барча жорий қонунларнинг ҳуқуқий асоси, бош манбаи Конституция бўлиб қолади. Конституция эса олий юридик кучга эга бўлиб, бошқа барча жорий қонунлар ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар унга мувофиқ келиши лозим.

**Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатининг асосий тамойиллари.** Ташқи сиёсат - давлатлар ва халқлар ўртасидаги ўзаро муносабатларини халқаро миқёсда, жаҳон майдонида тартибга солиб бошқариб туришни англатади.

Ташқи сиёсат ҳар қандай давлат фаолияти ички сиёсатининг халқаро муносабатларининг тадбиқ этилиши режалаштирилган минтақавий давоми бўлиб, у ёки бу мамлакат давлат тузилиши ва ижтимоий иқтисодий тузуми табиатини намоён этишга хизмат қилади.

Ер юзида давлатлар сони кўпайган сари, уларнинг ҳар бири иқтисодий ва ҳарбий қудрати ортиб борган сари ўзаро сиёсий муносабатларда уруш сиёсати билан бир қаторда мустамлака сиёсати – дипломатия тобора кўпроқ ўрин эгаллай бошлади.

Ташқи сиёсат халқаро сиёсий муносабатларни юритиш амалга оширишнинг воситалари, усуллари, йўллари, маҳорат ва санъатини белгилаб беради, ҳар бир мамлакат давлат ҳокимиятининг ташқи сиёсати унинг ўзига хос миллий, табиий, иқтисодий, ҳарбий, ижтимоий, маънавий, ахлоқий, ҳуқуқий мафкуравий хусусиятларини ақс эттириши мақсадида шакллантирилади ва ўтказилади.

Ташқи сиёсатнинг умуминсоний қадрият, халқаро ҳуқуқ ва муносабатларга мос келиши ташқи сиёсатни қандай кучлар томонидан олиб борилишига бевосита боғлиқдир.

Ўзбекистон бирон – бир давлат билан мустақил ҳамкорлик қилиш ҳуқуқига эга эмас эди. Халқаро анжуманлар ва учрашувларда, халқаро шартномаларни имзолашда Ўзбекистон тақдирига даҳлдор муаммоларни ҳам Марказ ҳал этиб келди.

Ташқи сиёсат – бу давлатлар ва жамиятнинг бошқа сиёсий институтларнинг халқаро майдонда ўз манфаатлари ва эҳтиёжларини амалга оширишга доир фаолияти.

Ташқи сиёсат – бу давлат идоралари , сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари томонидан халқаро майдонда амалга ошириладиган фаолиятидир. Ўзбекистон ташқи сиёсатига қўйидаги принциплар асос қилиб олинган.

1.Ўзбекистоннинг миллий давлат манфаатлари устун бўлгани ҳолда ўзаро манфаатларни ҳар томонлама ҳисобга олиш. Бизнинг мустақил давлатимиз бирон – бир буюк давлатнинг таъсир доирасига тушиб қолиш ниятида эмас. Ўзбекистон яна кимгадир буйсиниш учун мустақил бўлгани юқ.

2.Республика одамлар ва давлатлар ўртасидаги ўзаро муносабатларда умумбашарий қадриятларни устун қўйиб, халқаро майдонда тинчлик ва ҳавфсизликни мустаҳкамлаш учун, можароларни тинч юл билан ҳал этиш учун курашади.

3.Республикамизнинг ташқи сиёсати тенг ҳуқуқлилиқ ва ўзаро манфаатдорлик бошқа мамлакатларнинг ички ишларига аралашмаслик қоидалари асосида қурилади.

4.Мафқуравий қарашлардан қатъий назар ташқи сиёсатда ошқоралиқ принципини рўёбга чиқаришга барча тинчликсевар давлатлар билан кенг ташқи алоқаларни ўрнатишга интилади.

5.Ўзбекистон тўла ишонч принциплари асосида ҳам икки томонлама , ҳам кўп томонлама ташқи алоқаларни ўрнатиш ва ривожлантириш учун ҳаракат қилади.

#### **Мавзунини такрорлаш учун саволлар.**

1.Халқимиз тарихида қайси даврда халқаро муносабатларда дипломатия муносабатлари нисбатан анча муваффақиятли олиб борилган?

2. Муайян бир давлатнинг элчиси ўз фаолияти давомида иккинчи бир давлатнинг мамлакатлараро муносабатларни мустаҳкамлашда шахсан қандай ёрдам беради?

3. Конституциянинг 17 – моддаси қайси сўзлар билан бошланади?

4. Ҳокимиятнинг бўлиниши деганда нимани тушунаси?

5. Ўзбекистоннинг ташқи сиёсат юритиш қоидаларини назарий ва амалий жиҳатдан Президентимиз ўзининг қайси асарида пухта асослаб берган?

6. БМТ қачон ташкил топган, ва бу ташкилот ҳақида нималарни биласиз?

#### **Адабиётлар:**

- Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Тошкент., 2010 й.
- И.А.Каримов.«Ўзбекистон миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафқура. Тошкент., 1996 йил
- И.А.Каримов. Конституция ҳақида. Тошкент.,2001 й.
- Ўзбекистон Республикаси Конституциясига шарҳлар. Тошкент.,2001й
- Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий ҳуқуқи.Н., 2002 й
- Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишда президент И.А.Каримов асарларидан фойдаланиш буйича услубий қўлланма.Тошкент.,2002й
- Ўзбекистонда парламент тараққиётининг янги босқичи. Тошкент.,2004

#### 4 - Мавзу. Ўзбекистонда инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари.

Режа.

1. Ўзбекистон Республикасида шахснинг ҳуқуқий ҳолати ва тушунчаси.
2. Фуқаролик тушунчаси ва Ўзбекистон Республикасида фуқаролик.
3. Ўзбекистон Республикасида инсон ва фуқароларнинг Конституциявий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари, тизими.
4. Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг Конституциявий кафолатлари.

#### **Таянч иборалар:**

Фуқаролик, Ўзбекистонда фуқаролик, фуқароликка эга бўлиш, фуқароликни йўқотиш, чет эл фуқаролари, фуқаролиги йўқ шахслар, Конституциявий ҳуқуқлар, эркинликлар, шахсий ҳуқуқ, сиёсий ҳуқуқ, иқтисодий ҳуқуқ, ижтимоий ҳуқуқ, инсон ҳуқуқлари, Конституциявий бурч.

**Ўзбекистон Республикасида шахснинг ҳуқуқий ҳолати ва тушунчаси.** Инсон ҳуқуқлари негизида инсон шахси қадрияти туради. Одатда, инсон ҳуқуқларининг уч бўғини бир-биридан фарқланади: фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлари; яшаш ҳуқуқи, қийноққа солишнинг таъқиқланиши, адолатли судлов ҳуқуқи, шахсий ҳаётнинг дахлсизлиги ҳуқуқи, фикр ва сўз эркинлиги ҳуқуқи, уюшмаларга бирлашиш ҳуқуқи ва бошқалар; иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлар; билим олиш ҳуқуқи, меҳнат қилиш ҳуқуқи, ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқи, малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ва учинчи бўғин ҳуқуқи, деб аталувчилар (тинчликка бўлган ҳуқуқ, ривожланишга бўлган ҳуқуқ ва ҳ.к.).

Мазкур қоида Ўзбекистон қонун ҳужжатларининг бутун бир тизимида мустаҳкамлаб қўйилган. Унга кўра; фуқароларнинг фақат айрим қатламлари нафақа оловчилар, ногиронлар, талабалар, болалар, уруш ва меҳнат фахрийларига қонунга биноан бирор бир имтиёзлар берилиши мумкин.

Ҳуқуқий давлат барпо этиш кўп жихатдан фуқароларнинг сиёсий тафаккури ҳамда маданият даражасига боғлиқ. Агар инсонлар қонунларни билсалар ва унга риоя қилсалар, юксак эътиқодли бўлсалар, улар жамият аъзоларининг ҳуқуқ, эркинлик ва мажбуриятларини ҳурмат қилиб, улар манфаатларига, ҳуқуқ ва эркинликларига путур етказмайдилар, чунки жамиятда барча фуқаролар бир-бири билан ўзаро алоқада бўладилар. Фуқаро агар фақат ўзининг шахсий манфаатларини таъминлаш учун ҳаракат қилса ёки бурчларини унутиб, шу билан бошқалар манфаатига зиён етказса, унинг оқибати қонунсизликка олиб келади. Айнан шунинг учун барча фуқаролар бир-бирига ҳурмат билан муносабатда бўлсалар жамиятда барқарорлик, тинчлик ва юксалиш бўлади.

Инсоннинг жамиятдаги ҳолати ҳақида гап борганда, унинг бойликларини ишлаб чиқариш ҳамда тақсимлашда, жамият ва давлат ишларини бошқаришда қандай ўрин тутиши, унинг ҳуққ-атвори, ҳатти-ҳаракатлари, қилмишлари, бошқа одамлар билан ўзаро муносабатлари назарда тутилади. Инсоннинг жамиятдаги ҳолати тегишли норма ва қоидалар билан белгиланади. Синфсиз жамиятда одамларнинг аҳоли, уларнинг ҳуққ-атвори ва бири-бири билан муносабатлари анъаналар, урф-одатлар, ахлоқий нормалар билан белгиланган, уларга риоя этиш эса жамоатчилик фикри, оқсоқоллар ёки ота-оналарнинг обрў-эътибори билан таъминлаб турилган.

Шахс ҳуқуқий ҳолатининг муҳим жиҳатларидан бири - шу ҳуқуқий ҳолатни вужудга келтирадиган қоидалардир. Бу жамоатчилик манфаатларини шахсий манфаатлар билан бирга қўшишдан ҳамда ҳуқуқ ва бурчларнинг шунга асосланган бирлигидан, ҳуқуқ ва бурчларнинг умумийлигидан, инсонпарварликдан иборат. Фуқаролар ҳуқуқий ҳолатининг бирлиги ҳақида гапирганда шунини назарда тутиш керакки, аҳолининг айрим гуруҳлари учун баъзи хусусиятлар фуқароларнинг ҳуқуқлари ва бурчларида, уларнинг қафолатларида ҳамда ана шуларнинг ҳаммасини рўёбга чиқариш тизимида намоён бўлади. Масалан, хотин-қизлар, ёшлар нафақахўрлар, хўжалик ишларида ва маданиятнинг айрим тармоқларида банд бўлган шахслар муаян имтиёзлар ва афзалликлардан фойдаланадилар. Кишининг ёши ва соғлиги унинг ўзига берилган ҳуқуқлардан амалда фойдаланиши ва уз бурчларини бажаришда муҳим аҳамиятга эга.

**Фуқаролик тушунчаси ва Ўзбекистон Республикасида фуқаролик.** Фуқаролик деганда шахснинг маълум бир давлат билан узвий сиёсий-ҳуқуқий муносабати тушунтирилиб, бунда шахснинг (маълум) ҳуқуқ ва эркинликлари давлат томонидан қўриқланади, шунинг учун ўз навбатида шахс ҳам жамият ва давлат манфаатларидан келиб чиқиб, маълум мажбуриятларнинг бажарилишини ўз зиммасига олади.

Мазкур муносабат инсоннинг туғилганида юзага келиб, унинг умри давомида сақланиб туради. Ушбу боғлиқлик инсоннинг туғилган ва яшаётган ҳудуди билан чекланмай, берилган давлат ҳудудининг ташқарисида ҳам ўз кучини йўқотмайди. фуқароларнинг асосий ҳуқуқ, эркинликлари ва мажбуриятлари давлат томонидан аниқ ифодалаб берилади. Турли мамлакатлар фуқароларининг ҳуқуқ ва бурчлари бир ҳил эмас. Улар мамлакатнинг сиёсий, ижтимоий иқтисодий ва маданий даражасининг аҳолига боғлиқ бўлади.

Фуқаролик муайян давлат билан шахс ўртасидаги узвий сиёсий, ҳуқуқий муносабат эканлигини ифодалайди. Ушбу муносабат шахсга ҳам, давлатга ҳам маълум масъулият юклайди. Ҳар икки томон ўзаро ҳурмат асосида ўз олдиларидаги вазифаларни бажаришлари лозим.

Шахс ва давлат муносабатларидаги мавжуд ҳолат орқали давлат ҳокимияти фаолиятига ва жамият аъзоларининг сиёсий, ҳуқуқий, маданий даражасига баҳо бериш мумкин.

Фуқаролик маълум шахснинг ҳуқуқий ҳолатини белгилаш мезони ҳисобланади. Фуқаролик асосида давлат ва шахс муносабатлари ҳуқуқий тартибга солинади

Конституция Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ягона фуқароликни жорий этган. Республикамининг барча фуқаролари ўзаро муносабатларида тенг ҳуқуқлилик тамойилига асосланадилар.

1. Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиқиш оқибатида;
2. Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини йўқотиш оқибатида;
3. Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида назарда тутилган асосларга биноан;
4. Ўзбекистон Республикаси фуқаролигининг тўхтатилиши Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролигининг тўхтатилишига сабаб бўлса;
5. Ушбу Қонунда кўзда тутилган бошқа асосларга биноан.

Фуқаролик тўғрисидаги қонунда Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини йўқотиш асослари ҳам белгилаб қўйилган. Ўзбекистон фуқаролигини йўқотишга қуйидаги ҳолатлар сабаб бўлади: шахс чет давлатга ҳарбий хизматга, ҳавфсизлик хизмати ва бошқарувнинг бошқа идораларига ишга кирганлиги аниқланса; агар чет элда доимий яшовчи шахс беш йил давомида узурли сабабларсиз консуллик ҳисобида турмаган бўлса; агар Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги ёлғон маълумотлар ёки сохта ҳужжатларни тақдим этиш натижасида олинган бўлса, сабабларга биноан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонида асосан Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги йўқотилади. Фуқаролик тўғрисидаги қонунда ота-оналарининг фуқаролиги ўзгарганда болаларининг фуқаролиги масалалари ҳам кенг ёритилган.

Халқаро шартномалар асосида фуқаролик қабул қилиш ва ўзгартириш. Кўпинча бундай ҳолатлар тинчлик ҳақидаги шартномалар, ҳудудий масалалар бўйича давлатлар ўртасидаги келишувлар вақтида қўлланилади ва бир неча давлатларнинг бирлашиши билан борлик ҳолда янги давлат таркиб топиши ёки бир давлат бўлиниши натижасида бир неча давлатлар тузилишида, бир қисм ҳудуднинг бир давлатдан бошқа давлат тасарруфига ўтиши (сэссия), шунингдек қўшни давлатлар ўртасида алоҳида ҳудудларнинг алмашуви натижасида амалга оширилади.

Ҳудудий ўзгаришлар вақтида кўнгилли равишда фуқаролик танлаш (оптасия), ўзгартириш (кўчириш вақтида), автоматик тарзда фуқаролик ўзгариши (трансферт) бўлиши мумкин. Трансферт вақтида бир давлатдан бошқа давлатга ўтаётган ҳудуд аҳолиси хоҳишидан қатъи назар амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси дунёдаги бошқа давлатларнинг Конституциялари қатори инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари ва бурчлари тўғрисидаги муҳим қоидаларни мустаҳкамлайди.

Конституциявий ҳуқуқ, эркинлик ва бурчларнинг юридик хусусиятлари қаторига, Конституцияда мустаҳкамланган ҳар қандай қоида сингари, улар олий юридик кучга ва ўзгартиришнинг махсус тартибига эга эканлигини, шунингдек унинг асосида ишлаб чиқиладиган бошқа қонунчилик учун асосий йўналишларни белгилашини таъкидлаш жоиз.

Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳар бир шахсга тааллуқли бўлиб, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари эса фақат ўша давлат фуқаролигига эга бўлган шахсларгагина тегишлидир.

1) шахсий ёки инсон ҳуқуқлари, яъни яшаш ҳуқуқи, шахсий дахлсизлик ва турар-жой дахлсизлиги каби ҳуқуқ, эркинлик ва бурчлар;

2) давлат ва жамиятни бошқаришда иштирок этиш, овоз бериш, ватанни ҳимоя қилиш билан боғлиқ қатор сиёсий ҳуқуқ, эркинлик ва бурчлар;

3) меҳнат қилиш ҳуқуқи, меҳнат эркинлиги, мулк ҳуқуқи, солиқ тўлаш бурчи, таълим олиш ҳуқуқи, ижод эркинлиги ва шу қабилар иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқ эркинлик ва бурчлар гуруҳини ташкил этади.

Айнан худди шундай туркумлаш асосида миллий қонунчилик томонидан Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳуқуқ, эркинлик ва бурчларнинг тизими мустаҳкамлаб қўйилган.

**Ўзбекистон Республикасида инсон ва фуқароларнинг Конституциявий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари, тизими.** Фуқароларнинг – жамият ва давлат олдидаги вазифалари, Конституцияда ёзилган бурчлари Конституциявий бурчлар деб аталади. Бурч шахснинг жамиятга бўлган муносабатида намоён бўлади. Бурч – ҳар бир шахснинг ўз вазифаларини тўлиқ бажариши, бошқаларга тўғри муносабатларда бўлишидир, ёки бошқача қилиб айтганда бурч – адо этилиши, бажарилиши мажбурий бўлган вазифасидир. Бурчларни бажариш ўз – ўзидан қонунийликни мустаҳкамлашда асосий омил бўлиб хизмат қилади. Жумладан Конституциямизнинг 47 – моддасида “ Барча фуқаролар Конституцияда белгилаб қўйилган бурчларни бажарадилар” деб қўйилган.

Фуқароларнинг давлат ва жамият ишларини бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқи ҳуқуқий-демократик давлатнинг муҳим белгиларидан бири бўлиб ҳисобланади. Шу сабабли Ўзбекистон Конституциясида фуқароларнинг бундай сиёсий аҳамиятга молик ҳуқуқи алоҳида мустаҳкамланган.

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар (Конституциянинг 32- моддаси).

Конституцияга биноан Ўзбекистон Республикаси фуқаролари вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эгадирлар. Тенг ҳуқуқлилик қонун томонидан қафолатланган. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимида ҳамда давлат ҳокимиятининг вакиллик органларига сайловлар умумий, тенг, яширин овоз бериш ва бевосита сайлов ҳуқуқи асосида

эркин амалга оширилади. 18 ёшга этган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари сайлаш ҳуқуқига эгадирлар.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари пассив сайлов ҳуқуқига ҳам эга бўлиб, бу вакиллик органларига сайланиш ҳуқуқидир. Сайлов кунига қадар 25 ёшга этган ҳар бир фуқаро Олий вакиллик органи — Олий Мажлисга депутат этиб сайланиши мумкин.

Давлат фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлайди ва уларга жамият ҳаётида ишгирик этишлари учун тенг шароитлар яратиб беради. Давлат қонун орқали сиёсий партиялар ва жамоат бирлашмаларининг фаолияти, уларни молиялаштириш, рўйхатдан ўтказиш, бошқа давлат органлари билан бўладиган муносабатларини тартибга солади. Жамоат бирлашмалари ўз ички тузилиши ва фаолиятини шакллантириш масалаларини мустақил ҳал қиладилар.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси фуқароларга сиёсий партиялар ва жамоат бирлашмаларига бирлашиш ҳуқуқини Конституция ва қонунларга зид келмаган ҳолатларда амалга оширишлари мумкинлигини белгилайди.

Фуқароларнинг ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқи сиёсий аҳамиятга эга бўлиб, улар шу йўл билан ҳам давлат ва жамият ишларини бошқаришда фаол ишгирик этадилар. Шу боис Ўзбекистон Конституцияси бу ҳуқуқни маҳсус қафолатлайди.

Фуқаролар ваколатли давлат органларига, ариза, таклиф ва шикоят билан мурожаат этиши — бу уларнинг давлат ва жамият бошқарувида қатнашишининг амалий шаклидир. Бу ҳуқуқнинг моҳияти шундаки, фуқаролар ваколатли давлат органларига, ариза, таклиф ва шикоят билан мурожаат қилганларида, ушбу органларнинг раҳбарлари фуқароларнинг таклиф ва аризаларини албатта кўриб чиқишлари шарт.

Ариза, таклиф, шикоятларда ташкилот, муассасалар фаолиятини яхшилаш билан бир қаторда, уларнинг фаолиятидаги камчиликларни кўрсатувчи ва давлат ҳаётига оид ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-маданий ҳарактердаги камчиликларни бартараф этиш йўллари ҳам таклиф этилиши мумкин. Бу фуқароларнинг жамият ишларини бошқаришда қатнашишининг энг самарали усулидир. Ариза, таклиф ва шикоятлар ёзма шаклда ҳамда халқ депутатлари ва мансабдор шахсларнинг қабулида юзаки ҳам бўлиши мумкин. Шунингдек ариза, таклиф ва шикоят газета, радио, телевидение орқали мурожаат этиш билан ҳам ифодаланиши мумкин.

Бу ҳуқуқ биринчи ўринда бошқарув маданияти даражаси, ваколатли давлат органларидаги ҳодимларнинг онги ва масъулиятига боғлиқ.

Фуқароларнинг ариза, таклиф ва шикоятлари фактларни яширишни кўзламаслиги ҳамда ёлғон ахборотлардан иборат бўлмаслиги керак. Акс ҳолда бундай ҳаракатлар учун Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида маҳсус жавобгарликлар кўзда тутилган.

Мулк ҳуқуқи ҳар кимнинг ўзига тегишли мол-мулкка ўз хоҳишига кўра, ўз манфаатини кўзлаб эгалик қилиши, фойдаланиши ва тасарруф этишини англатади.

Конституцияда хотин-қиялар ва эркеклар тенг ҳуқуқлилигининг алоҳида равишда мустаҳкамланиши ҳуқуқ ва эркинликларнинг Конституциявий кафолатларидандир. Конституциянинг 46-модда. Хотин-қиялар ва эркеклар тенг ҳуқуқлидирлар. Демак, Ўзбекистон фуқаролари жинсидан қатъи назар ижтимоий ва сиёсий ҳаётда тенг иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар.

**Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг Конституциявий кафолатлари.** Фуқаронинг жамият ва давлатдаги ҳолатини белгиловчи ҳуқуқлар , эркинликлар ва бурчлар мажмуи шундай бир тизимни вужудга келтирадигани, бу тизимга бирлик ҳамда ички уйғунлик ҳосилдир. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси нафақат фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари ва эркинликларини, балки уларнинг бурчларини ҳам белгилайди. Булар Конституциянинг 47—52-моддаларида ўз ифодасини топган.

Барча фуқаролар Конституцияда белгилаб қўйилган бурчларини бажарадилар. (Конституциянинг 47-моддаси).

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек "Инсоннинг ўз ҳуқуқ ва бурчларини билиши инсоннинг Конституциявий ҳуқуқларининг таъминланишини кафолатлайди. Биз одамлардаги эски тузум психологиясини ўзгартиришимиз ва янги ҳуқуқий онгни шакллантиришимиз лозим, инсон англасинки, эркинлик - бу бурч масъулиятидир". Конституцияга биноан Ўзбекистон Республикаси фуқароси ва давлат бир-бирига нисбатан бўлган ҳуқуқлари ва бурчлари билан ўзаро боғлиқдир. Ҳар бир фуқаро қонун олдида тенгдир ва бошқа фуқароларнинг миллати, тили, дини ва эътиқодини ҳурмат қилиши шарт. Фуқаро ўз ҳуқуқ ва эркинликларидан фойдаланганида, унинг ҳаракатлари бошқа шахс, давлат ва жамият манфаатларига зиён етказмаслиги лозим. Шу боис шахс қонун доирасидан чиқмаган ҳолда ўз ҳуқуқ ва эркинликларидан фойдаланиши лозим. Агарда шахс қонундан ташқари ҳатти-ҳаракат содир эса, у ҳолда қонун томонидан жазоланади.

Бошқа фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳурмат қилиш, аввало, фуқаро ўзига тегишли бурчларини бажариш орқали киришадиган ҳуқуқий муносабатларда: фуқаролик, уй-жой, оила-никоҳ ва бошқа муносабатларда намоён бўлади. Фуқароларнинг Конституциявий бурчларни бажармаслиги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва жинсий-ҳуқуқий, фуқаровий, маъмурий-ҳуқуқий жавобгарликни келтириб чиқариши мумкин.

Ўзбекистон халқининг тарихий, маданий ва маънавий бойликларини, маданий ёдгорликларни эҳтиёт қилиш ва сақлаш ҳар бир фуқаронинг бурчидир.

Фуқаролар Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини авайлаб асрашга мажбурдирлар Конституциясининг 49-моддаси. 1992 йил 3 июлда қабул қилинган "Мудофаа тўғрисидаги"ги қонуннинг аҳамияти каттадир. Ушбу қонуннинг 11-моддасида белгиланганидек, "Ўзбекистон Республикасининг ҳудудий яхлитлигини, мустақиллигини ҳимоя қилиш республика фуқароларининг Конституциявий бурчи ҳисобланади. Бошқа давлатларнинг Ўзбекистонда доимий яшаб турган ёки вақтинча турган фуқаролари ва

фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикасида ҳарбий хизматга тай ёргарлик кўришга мажбур эмас.

Фуқароларнинг ҳарбий ва муқобил хизматини ўташларида Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 3 июлда қабул қилинган "Муқобил хизмат тўғрисида"ги ва "Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги қонунлари ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

### **Мавзунинг такрорлаш учун саволлар.**

1. Ҳуқуқий давлат деганда нимани тушунасиз?
2. Фуқароликка эга бўлиш ва уни юқотиш асослари тартиби нима орқали белгиланади?
3. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қачон қабул қилинган?
4. Қандай ҳолларда шахс Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан маҳрум қилинади?
5. "Қаерда қонун ҳукмронлик қилса, шу эрда эркинлик бўлади?" – деган сўзларнинг муаллифи ким?

### **Адабиётлар:**

- Ўзбекистон миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Тошкент., 1996й
- Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан колсин. Тошкент., 1996й
- Каримов И.А. Бунёдкорлик ёълидан. Тошкент., 1996й
- Каримов И.А. Конституция ҳақида. Тошкент., 2001й
- Раҳмонқулов Ҳ. Фуқаролик: эркинликлар, ҳуқуқлар, бурчлар. Тошкент., 1993й
- Ўзбекистоннинг Янги Қонунлари. Тошкент., 2000й
- Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик Кодекси. Тошкент., 1996й
- Ўзбекистон Республикаси Конституцияга шарҳлар. Тошкент., 2001й
- Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш. Тошкент., 2001й
- Ўзбекистон Республикаси Конституциявий ҳуқуқи. Тошкент., 2002й
- Ўзбекистонда парламент тараққиётининг янги босқичи. Тошкент., 2004й
- Ўзбекистоннинг янги қонунлари. Тошкент., 2005й

## **5- мавзу. Ўзбекистон республикасининг миллий давлат ва маъмурий ҳудудий тузилиши.**

Режа:

1. Ўзбекистон Республикасининг миллий-давлат тузилиши ва унинг асослари.
2. Маъмурий-ҳудудий тузулиш тушунчаси ва унинг тузилиши тамойиллари.
3. Қорақалпоғистон Республикасининг Конституциявий мақоми.

### **Таянч иборалар**

Миллий давлат, Қорақалпоғистон республикаси, маъмурий-ҳудудий тузилиши, мустақил давлат.

### **Ўзбекистон Республикасининг миллий-давлат тузилиши ва унинг асослари.**

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 1-моддасига мувофиқ Ўзбекистон суверен демократик республика бўлиб, мустақил давлат ҳисобланади. Чунки давлатимизнинг ҳозирги маъмурий-ҳудудий чегарасида биринчи бой Ўзбекистон халқи ўз моддий ва маънавий бойликларидан ўз хоҳишича, яъни ўзининг Конституцияси ва у асосида қабул қилинган қонун ҳужжатларига мувофиқ равишда жамиятдаги ижтимоий муносабатларни тартибга солиш имконияти "ҳуқуқи" юзага келди. Эндиликда, биз ва бизнинг халқимиз ҳам ашё етказиб берадиган чекка ўлкада эмас, балки мустақил равишда ўз ҳуқуқимизни амалда татбиқ қила оладиган миллий давлатда яшаётганимизни алоҳида таъкидлаш жоиздир.

Ўзбекистон миллий давлатининг шаклланиши охир-оқибатда ижтимоий, иқтисодий, маънавий, истиқлол ва тараққиёт йўлидаги "ўзбек модели"ни ишлаб чиқишга имкон берди. Ушбу модел мустақил республикамизнинг узок даврга мўлжалланган ички ва ташқи ривожланиш стратегиясини яратишга асос бўлди. Бу йўл Ўзбекистоннинг ўзига ҳослигига ва манфаатларига, унинг табиий ва ижтимоий шароитларига, ўзбек халқининг азалий анъаналарига, демографик ва этнографик ҳолатига мос тушади. Мазкур миллий давлат тузилиши ва унинг ривожланиш асослари Президентимиз асарларида чуқур ёритиб берилган ва Ўзбекистоннинг ўз ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий йўлининг беш асосий тамойилларида акс эттирилгандир.

Ҳар бир мустақил давлатнинг муҳим белгиларидан бири ўз чегараси доирасидаги ягона маъмурий ҳудудига эга бўлишидир. "Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида"ги Қонуннинг 4 ва 17-моддаларига биноан Республикамиз давлат чегараси ва ҳудуди дахлсиз ва бўлинмасдир. Унинг халқи ўз хоҳиш-иродасини эркин билдирмасдан туриб, давлат чегараси ва ҳудудининг ўзгартирилиши мумкин эмас. Ўзбекистон таркибида бўлган Қорақалпоғистон Республикасининг ҳудудий бутунлиги ва мустақиллиги эътироф этилади. Ушбу ҳуқуқий ҳолат Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Низомига ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг 1991 йил 21 декабрдаги Олмаотада имзоланган халқаро шартномасига тўла равишда мос тушади.

Конституциявий ҳуқуқ нуқтаи назардан қараганда келажакда маъмурий-худудий тузилмаларда юқорида санаб ўтилган вазифаларни амалга ошириш учун қонун кучига эга бўлган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни қабул қилиш ва албатта, уларни амалга оширишнинг таъсирчан механизмини яратиш талаб қилинади. Бинобарин, маъмурий-худудий тузилмаларда Конституциявий тамойилларга асосланган ҳуқуқий бошқарув функцияларини татбиқ қилиш учун улар етарли молиявий ресурсларга эга бўлишлари керак. Бунинг учун эса уларнинг молиявий жамғармаларини шакллантирувчи ҳуқуқий манбаларни мунтазам кенгайтириб боришимиз зарурдир. Маҳаллий ҳокимият органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идоралари Солиқ кодекси ва у асосида ишлаб чиқилган ёки ишлаб чиқиляётган норматив ҳужжатларда барча маҳаллий солиқлардан тушадиган пул маблағларининг маълум бир қисминигина эмас, балки умумдават солиқларининг ҳам анчагина қисмини маҳаллий бюджетларга йўналтирилиши керак бўлади. Натижада, давлат бюджети барча даромадларининг анчагина фоиздан кўпроқ қисмини маъмурий-худудий тузилмаларнинг бюджетига тушишини таъминлаш давлат сиёсатида кўзда тутилган. Бюджет харажатларининг ҳам худди шунча қисмини ушбу маъмурий-худудий тузилмаларда амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир.

Қорақалпоғистон Республикасининг вилоят, туман, шаҳар, қишлоқ ва овулларида амалга ошириладиган ҳуқуқ доирасидаги ваколатларнинг кенгайтирилиши аҳолининг касбий ва ижтимоий таркиби манфаатларини янада чуқурроқ ифодалаш ва атрофлича ҳимоя қилишда нодавлат ва жамоат тузилмаларининг мавқеларини оширишга қаратилиши назарда тутилган.

Қорақалпоғистон Республикасининг вилоят, туман, шаҳар, қишлоқ ва овулларида амалга ошириладиган ҳуқуқ доирасидаги ваколатларнинг кенгайтирилиши аҳолининг касбий ва ижтимоий таркиби манфаатларини янада чуқурроқ ифодалаш ва атрофлича ҳимоя қилишда нодавлат ва жамоат тузилмаларининг мавқеларини оширишга қаратилиши назарда тутилган.

**Маъмурий-худудий тузулиш тушунчаси ва унинг тузилиш тамойиллари.** Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-худудий тузилиши ҳокимият ва бошқарув органларининг ҳуқуқий ҳолатига, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларининг ифода этилишига кўра ташкил этилган. Унда ҳар бир маъмурий-худудий бирлик ҳўжалик юрғизишнинг ўзига ҳос томонлари, аҳолисининг миллий ва этник таркиби, сони, маданияти, азалий урф-одатлари ва анъаналари, ишлаб чиқариш салоҳияти ва ижтимоий қудратига қараб ҳам ажратилган. 68-модда. “Ўзбекистон Республикаси вилоятлар, туманлар, шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар, овуллар, шунингдек Қорақалпоғистон Республикасидан иборат”. Ўзбекистон Республикаси Макроиктисодиёт ва статистика вазирлиги томонидан чоп этилган "Ўзбекистон Республикаси аҳолиси 2000" номли статистик тўпламга мувофиқ 2000 йил 1 январга келиб республикамиз 1826 та маъмурий-худудий қисмлардан иборат. Ундан 12 таси вилоят ва Қорақалпоғистон Республикаси, 182 таси қишлоқ ва шаҳар туманлари, 55 таси

республика ва вилоят бўйсунувидаги шаҳарлар, 120 таси шаҳарчалар ҳамда 1456 таси қишлоқ ва овуллар фуқаролар йигинидан иборат бўлган. Лекин Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 30 сентябрдаги "Шаҳар ва туман ҳокимликлари аппарати тузилишини такомиллаштириш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ 26 та вилоят бўйсунувидаги шаҳарлар туман бўйсунувига ўтказилди ва уларнинг сони 28 тага тушиб қолди. Туман бўйсунувидаги шаҳарларда шаҳар ҳокимлиги лавозимлари қисқартирилиб, улар туман ҳокимлиги қошида фаолият юргазадиган бўлдилар, Вилоят бўйсунувидаги шаҳарларнинг ҳуқуқий мақомидаги ушбу ўзгартиришлар давлат сиёсатидан келиб чиққан ҳолда, маҳаллий ҳокимиятларнинг кўпгина ваколатларини фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идораларига, хусусан маҳаллаларга топшириш оқибатида юз берди.

Ўзбекистон Республикаси вилоятлар, туманлар, шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар, овуллар, шунингдек Қорақалпоғистон Республикасидан иборат. (Конституциянинг 68-моддаси) Ушбу моддани шарҳлашдан олдин шуни таъкидлаш лозимки, тарихий воқеалар ва жаҳон давлатларининг ҳозирги ривожланиш тажрибаси давлат ва маъмурий-ҳудудий тузилиш муаммолари сиёсий ва юридик нуқтаи назаридан жуда долзарб эканлигини кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикасида маъмурий-ҳудудий тузилиш, топономик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш масалаларини ҳал этиш тартиби тўғрисидаги қонуннинг 10-моддасига кўра "вилоят бўйсунувидаги шаҳарлар туркумига, камида 30 минг аҳолиси бўлган, муҳим маъмурий аҳамият касб этадиган, истиқболли иқтисодий ва маданий марказлар деб ҳисобланган шаҳарлар киритилиши мумкин". Шуниси эътиборлики, қонунда шаҳарларнинг ҳуқуқий мақомини кўйиш ҳақида ҳуқуқий меъёрлар мавжуд, аммо уларнинг мақомини тушириш ҳақида ҳеч қандай меъёрлар берилмаган. Бу қонуннинг камчилиги, албатта. Чунки маълум бир объектив ёки субъектив сабабларга кўра айрим аҳоли пунктларида аҳоли сонининг камайиши, ижтимоий-иқтисодий марказларнинг кўчирилиши ёки тугатилиши натижасида шаҳарлар вилоят даражасидан туман даражасига тушиб қолиши эҳтимоли йўқ эмас. Масалан, Қорақалпоғистон Республикасининг Қўнғирот шаҳри аҳолиси 1990 йил 55 минг кишидан иборат бўлса, 1998 йилга келиб, яъни кейинги 8 йил мобайнида 34,1 минг кишига этган. Аҳолисининг сони 2000 кишидан кам бўлмаган саноат корхоналари, қурилишлар, темир йўл стансиялари ва бошқа муҳим объектлар яқинида жойлашган аҳоли пунктлари киради. Уларнинг сони бирмунча камайиб Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 30 сентябрдаги 459-сонли қарорига мувофиқ 113 тадан 108 тага тушиб қолган.

69-модда. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри чегараларини ўзгартириш, шунингдек вилоятлар, шаҳарлар, туманлар ташкил қилиш ва уларни тугатиш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг розилиги билан амалга оширилади.

Республикамизнинг юқори тоифадаги маъмурий-ҳудудий қисмлари — вилоятлар ва Қорақалпоғистон Республикаси чегараларининг аксарият қисми давлат чегараларидан

иборатдир. Шунинг учун ҳам "Давлат чегараси тўғрисида"ги қонун меъёрлари маъмурий-худудий қисмларнинг чегараларига оид масалаларни ҳам қамраб олади. Ушбу қонуннинг 5-моддасига биноан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, қишлоқ туманлари чегаралари давлат чегараларидан ўтадиган бўлса, уларни белгилаш ва ўзгартириш халқаро шартномаларга асосан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан амалга оширилади. Давлат чегараси делимитасия (лотин тилида чегаралаш, айирбошлаш) ва демаркасия (франсуз тилида " чегара белгиларини қўйиш) қилинади.

Давлат чегарасини белгилаш, ўзгартириш, ҳимоя қилиш ва қўриқлаш умумсиёсий масалалар тоифасига кириб, Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат органлари томонидан белгиланган нормаларда ва тартибларда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси маъмурий-худудий қисмларнинг ички чегараларини ўзгартириш миллий қонунчиликка асосан тартибга солинади. Масалан, "Ўзбекистон Республикасида маъмурий-худудий тузилиш, топологик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш масалаларини ҳал этиш тартиби тўғрисида"ги қонуннинг 5-моддасига кўра, юқори ҳуқуқий тоифага кирувчи вилоятлар чегараларини белгилаш, ўзгартириш, ташкил қилиш ва тугатиш ушбу маъмурий-худудий қисмларнинг маҳаллий бошқарув органлари илтимосномасига кўра ва Вазирлар Маҳкамасининг таклифига мувофиқ Олий Мажлис томонидан амалга оширилади. Кўп босқичли тизимга эга бўлган ушбу ҳуқуқий жараён ўта нозик давлат аҳамиятига молик масалалар тоифасига киради. Чунки вилоят ва республика чегараларини ўзгартириш, яъни вилоятларнинг бўлиниши ёки қўшилиши нафақат ижтимоий-иқтисодий, балки сиёсий ва миллий-этник муаммоларни келтириб чиқариши мумкин.

Вилоятларни тузиш, ташкил қилиш, чегараларини ўзгартириш ёки тугатиш масалалари тегишли вилоят вакиллик идораларнинг тавсияси асосида Вазирлар Маҳкамасининг таклифига кўра Олий Мажлис томонидан амалга оширилади. Зарур ҳолларда мазкур масала бўйича тегишли вилоятларда референдум ўтказилиши мумкин.

Вилоят энг йирик маъмурий-худудий бўлинма сифатида ўрта ва қуйи қисмларга нисбатан бирмунча барқарор ҳисобланади. Вилоят, унинг ташкил этилиши, чегараларининг ўзгартирилиши ва тугатилиши учун ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий, ҳам маънавий, ҳам миллий-этник, ҳам ҳуқуқий асослар мавжуд бўлиши талаб қилинади.

Қишлоқ ва шаҳар туманларини тузиш ҳам муҳим ҳуқуқий, иқтисодий ва сиёсий масалалар даражасидаги давлат фаолиятига киради. Шунинг учун уларни тузиш ёки тугатиш йириклаштирилаётган ёки тугатилаётган туман Кенгашлари тавсияси ва Вазирлар Маҳкамасининг таклифига биноан Олий Мажлис томонидан амалга оширилади.

Шаҳарларни республика миқёсидаги шаҳарлар тоифасига киритиш тегишли шаҳар ва вилоят халқ депутатлари Кенгаши тавсиясига биноан Вазирлар Маҳкамаси киритадиган

таклифига кўра Олий Мажлис томонидан амалга оширилади. Худди шундай жараён шаҳарларни вилоят тоифасидаги шаҳарларга киргизишда ҳам қўлланилади.

**Қорақалпоғистон Республикасининг Конституциявий мақоми.** Конституциянинг 70-моддасида “Суверен Қорақалпоғистон Республикаси Ўзбекистон Республикаси таркибига киради. Қорақалпоғистон Республикасининг суверенитети Ўзбекистон Республикаси томонидан муҳофаза этилади”, деб таъкидланган. Ушбу модданинг қоидалари, аввало, Қорақалпоғистон Республикасининг Ўзбекистон Республикаси таркибидаги суверен давлат сифатидаги мақоми мустаҳкамлаб қўяди. Қорақалпоқ халқи асрлар давомида Оролбўйида зич ҳолда яшаб келаётган аҳолининг тарихий шаклланган миллат гуруҳидир. Бу халқ бой тарихга, ўзига ҳос маданиятга, анъаналарга, тилига эга.

Бошқа ҳар қандай халқ каби, қорақалпоқ халқи ҳам ўзига ҳос суверенитетга эга бўлиб, бу суверенитет миллий давлатчилик тўғрисидаги масалани ҳал қилишни назарда тутади. Олтинчи йилдан зиёд вақт мобайнида Ўзбекистон таркибида бўлиш Қорақалпоғистоннинг тарихий тақдирида ўз изини қолдирди. Ўзбек ва қорақалпоқ халқининг биродарларча муносабатига ягона тарихий ва этник илдизлар, жуғрофий яқинлик, маданий ва тил бирлиги катта таъсир кўрсатди. Бу халқларнинг тарихий умумийлиги уларнинг бир давлатда Қорақалпоғистоннинг ҳуқуқий мақоми муҳтор республика доирасида таърифланарди. Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритгач, Қорақалпоғистоннинг мақоми суверен республика даражасигача кўтарилди.

71-модда Қорақалпоғистон Республикаси ўз Конституциясига эга Қорақалпоғистон Республикасининг Конституцияси Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига зид мумкин эмас. Конституциянинг мавжудлиги давлат суверенитетининг энг муҳим кўрсаткичларидан биридир. Баъзи муаллифлар уни давлат рамзлари қаторига киритишади ва бу жуда асослидир. Конституция давлат тузилишининг асосий принципларини, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг юридик қафолатларини, давлат ҳокимият ва бошқарув органларининг тузилиши ва ўзаро муносабатини белгилаб беради. Демократик давлат (Қорақалпоғистон Республикаси эса республика шаклидаги давлат сифатида тан олинади) ҳар доим Конституцион давлат ҳисобланади. Қорақалпоғистон Республикасида давлат ҳисобланади. Қорақалпоғистон Республикасида давлат ҳокимиятининг асосий манбаи халқ эканлиги туфайли Конституция қорақалпоқ халқи ва давлатини бир-бири билан юридик боғлайди, унинг давлатчилигининг легитимлигини (ошқоралигини) тасдиқлайди.

Қорақалпоғистон Республикаси Ўзбекистон таркибига кирадиган суверен демократик давлат сифатида ўз Конституциясига эга бўлиб, у 1993 йил 9 апрелда қабул қилинган. Қорақалпоғистон Республикасининг Конституцияси давлат тузилишининг асосий принципларини, давлат ҳокимиятининг тизимини ва давлат, жамият ҳамда шахс муносабатларининг асосини белгилаб берган. У жаҳон Конституциявий тажрибасини, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш ва тартибга солишнинг илғор амалиётини,

жамиятнинг демократик асосларини ўзида мужассамлаштирган. Бу Конституция Ўзбекистон таркибига кирадиган республиканинг Асосий қонуни бўлганлиги туфайли, у Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг принциплари ва қоидаларига асосланган.

Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясининг аҳамияти таърифланаётган модда нуқтаи назаридан, мазкур Конституция амалга оширадиган функцияларга кўра, қуйидагиларда намоён бўлади:

- Қорақалпоғистон Республикаси ҳуқуқ тизимининг асосидир;
- Қорақалпоғистон Республикасининг Ўзбекистон Республикаси таркибидаги шаклини, юридик табиатини ва ўрнини, шунингдек, улар муносабатининг ҳуқуқий асосларини белгилаб беради;
- Қорақалпоғистон Республикаси суверенитетининг юридик кафолати ҳисобланади;
- мустақил, тўлақонли давлат органи, яъни Қорақалпоғистон парламенти фаолиятининг маҳсули ҳисобланади;
- Қорақалпоғистон Республикаси давлат ва маъмурий тузилишининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олади ва мустаҳкамлаб қўйган;
- Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси олий органларининг ваколатларини, жумладан, иш юритиш соҳасидаги ваколатларини ажратиб қўйишнинг асоси бўлиб хизмат қилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясини муҳофаза қилишдаги масъулият давлат ҳокимияти органлари зиммасидадир. Бу, биринчи навбатда, Конституция ва қонунларга амал қилинишининг кафолати ҳисобланмиш Президентдир (93-м., 1-б.). Конституция Қорақалпоғистон Конституциясини муҳофаза қилиш бўйича Олий Мажлис, Вазирлар Маҳкамаси, Конституциявий, Олий ва Олий ҳўжалик суди, Бош прокурорга маҳсус мажбуриятлар юкламайди. Бироқ ўзларига юклатилган вазифаларни бажара туриб, улар ўз ваколатлари доирасида у ёки бу даражада қорақалпоғистон Республикаси асосий қонунининг принциплари ва нормаларини таъминлаш ва амалга ошириш, уни муҳофаза қилиш бўйича фаолиятни бажарадилар.

Қорақалпоғистон Республикаси Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси устунлигини сўзсиз тан олади. Бу Қорақалпоғистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг нормалари ва моддаларига мос тушишида намоён бўлади. Бундай талаб Қорақалпоғистон Республикасининг бошқа давлатлар билан тузадиган битимлари ва шартномаларига ҳам қўйилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қоидаларига мос келишига қўйиладиган талаб Ўзбекистон ва Қорақалпоғистоннинг давлат-ҳуқуқий муносабатлари хусусиятидан, Қорақалпоғистоннинг Конституциявий-ҳуқуқий мақомидан келиб чиқади. 72-модда Ўзбекистон Республикаси қонунлари Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида ҳам мажбурийдир. Ўзбекистон

Республикасининг қонунлари Қорақалпоғистон учун мажбурий эканлиги қондаси олдинги модданинг мазмунидан келиб чиқади. Бу талаб яна шу билан шартланганки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида (Қорақалпоғистон эса унинг таркибий қисмидир) Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари устунлиги сўзсиз тан олинади. Бу табиий ҳол. Ҳуқуқий давлатга қўйиладиган талаблардан бири-унинг Конституцияси ва қонунлари жамият ҳаётининг барча соҳаларида ҳукмронлик қилишидир. Ҳар иккала республикада ягона ҳуқуқий сиёсат қонунлари устунлигига асосланган бир хил қонунлар бўлишини талаб қилади.

Қорақалпоғистон Республикаси ўз маъмурий-ҳудудий тузилиши масалаларини мустақил ҳал қилади. Қорақалпоғистон Республикасининг давлат мустақиллиги унинг ҳудудида ўз устунлигини назарда тутади. Суверен давлат ҳокимиятининг жорий қилиниш чегараси Қорақалпоғистон Республикасининг чегараларидир. Ўз маъмурий-ҳудудий тузилиши масалаларини мустақил ҳал қилиш ҳуқуқи шуни англатадики, туманлар ва шаҳарларни ташкил қилиш ва тугатиш, шунингдек, уларнинг чегарасини ўзгартириш, топонимик объектларни номлаш ва қайта номлаш, овуллар, қишлоқлар ва посёлкаларни ташкил қилиш ва тугатиш масалаларини Қорақалпоғистон Республикасининг Жўқорғи Кенгеси ҳал қилади. Қорақалпоғистон Республикасининг ҳудудий тузилиши шундай ташкил қилинганки, у ўзида бўлинмаслик, бирлик, ўз ҳудудининг Ўзбекистон билан боғланганлиги қирраларини ҳам, унинг алоҳидалиги, мустақиллиги ва ўзига этарлигини ҳам мужассамлаштирган.

74-модда Қорақалпоғистон Республикаси Ўзбекистон Республикаси таркибидан Қорақалпоғистон Республикаси халқининг умумий референдуми асосида ажралиб чиқиш ҳуқуқига эга. Ушбу моддада баён қилинган қоида Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясининг 1- ва 9-моддаларида, Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикасининг референдум тўғрисидаги қонун ҳужжатларида янада ривожлантирилган.

Ўзбекистон Республикаси билан Қорақалпоғистон Республикасининг ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси ўртасида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси билан тартибга солинади.

Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси ўртасидаги низолар муроасага келтирувчи воситалар ёрдамида ҳал этилади.

Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигини қўлга киритиши Қорақалпоғистоннинг ҳам давлат суверенитетини қўлга киритишига йўл очди. Унга қадар Қорақалпоғистон бозор иқтисодиётига ўтиш жараёни билан боғлиқ ўнлаб қонунлар қабул қилди. Улар Қорақалпоғистон давлат суверенитети пойдеворини яратишга асос бўлди.

**Мавзунинг такрорлаш учун саволлар.**

1. Республикамиз Конституциясининг биринчи моддаси қайси сўзлар билан бошланади?
2. Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истикомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналарига қандай қарайди?
3. Конституция буйича Қорақалпоғистонда давлат тили деб қайси тил тан олинган?
4. Қорақалпоғистоннинг Янги Конституцияси қачон қабул қилинган?
5. Ўзбекистон Республикаси қонунлари Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида ҳам мажбурийми?
6. Қорақалпоғистон Республикасида шаҳарлар ташкил этиш қайси орган томонидан амалга оширилади?
7. Қорақалпоғистон Республикаси Ўзбекистон Республикасининг таркибидан ажралиб чиқиши мумкинми ?
8. Конституциямизнинг 71-моддаси тўғрисида тушунча беринг?
9. Ўзбекистон Республикаси маъмурий-худудий тузилиши тўғрисида тушунча бериш?
10. Республикамиз Конституциясининг 68 - моддасида қандай фикр билдирилган?

#### **Адабиётлар:**

- Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Тошкент., 2003 й
- Каримов И.А. Ўзбекистон миллий истиқлол, иқтисод ,сиёсат, мафкура. Тошкент., 1996 й.
- Каримов И.А. Конституция ҳақида. Тошкент., 2001.й
- Каримов И.А. Ўзбекистон ХХИ асрга интиломқда. Тошкент., 1999 й.
- Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш.Тошкент., 2001й
- Ўзбекистон Республикаси Конституциявий ҳуқуқи. Наманган., 2002 й
- Ўзбекистон Республикасида маъмурий худудий тузилиши тўғрисида қонун .1996 йил 30 август.Ўзбекистон Республикасининг янги қонунлари. Тошкент., 1997 й.
- Бобоев Ҳ.Б. Миллий давлатчилик ҳақида. Тошкент., 1997й
- Ўзбекистон Республикаси Конституциясига шарҳлар.Тошкент., 2001й

## **6- мавзу. Ўзбекистон Республикасида қонун чиқариш ҳокимиятининг амалга оширилиши ва конституциявий асослари.**

Режа:

1. Қонун чиқарувчи ҳокимият тушунчаси.
2. Ўзбекистон Республикасида сайлов ҳуқуқи ва сайлов тизими.
3. Олий Мажлис – Ўзбекистон Республикасининг қонун чиқарувчи Олий ҳокимият органи.
4. Ўзбекистонда парламент ислоҳоти.

### **Таянч иборалар:**

Қонун чиқарувчи ҳокимият, сайлов, сайлов ҳуқуқи, сайлов тизими референдум, Олий Мажлис, Олий Мажлис қўмиталари, Қонунчилик палатаси, Сенати.

**Қонун чиқарувчи ҳокимият тушунчаси.** Ўзбекистон мустақил тараққиёт мобайнида умуминсоний кадриятлар ва бой миллий анъаналар билан йўғрилган ўзига хос ривожланиш йўлини аниқлаб олди. Шу асосда сиёсий-ҳуқуқий амалиётда жаҳон парламентаризмининг бой тажрибасидан унумли фойдаланилиб, республика Конституциявий тузумида халқ ҳокимиятчилиги, ҳокимиятларнинг бўлиниши принципларига мос давлат органлари тизимини шакллантирилади. Инсоният тараққиёт тафаккурининг маҳсули ҳисобланган ҳамда жамиятнинг умуммиллий вакиллик муассасаси сифатида дунёга келган парламент узок йиллар давомида тарихга эга ва унинг илдизлари инглиз парламенти ва испан кортесларига бориб тақалади. Парламент сўзининг луғавий маъноси франсуз тилидан олинган бўлиб, "гапирмоқ" маъносини англатади. Парламентаризм катта тараққиёт босқичини босиб ўтди ва унинг чинакам тарихи буржуа инқилоблари давридан бошланади. Эндиликда аксарият мамлакатларнинг парламент институтига эга эканлигини таъкидлаб ўтмоқ жоиз. Ҳозир ер қуррасидаги 200га яқин давлатнинг қарийб 177 тасида олий қонун чиқарувчи вакиллик органи - парламентлар бор.

Конституциянинг 10-моддасида, “давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи - халқ номидан фақат у сайлаган Республика Олий Мажлиси ва Президенти иш олиб боришлиги қайд этилган. Олий Мажлис Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг олий қонун чиқарувчи вакиллик органидир. Олий Мажлис бевосита халқ томонидан сайланадиган ва қонун чиқариш фаолиятини амалга оширадиган бирдан-бир умуммиллий вакиллик органи ҳисобланади.

"Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси тўғрисида"ги 1994 йил 22- сентябрдаги Конституциявий қонун Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 76-моддаси мазмунини янада ривожлантириб, Олий Мажлис ўз ваколатига берилган ҳар қандай масалани ўз муҳокамасига қабул қилиш ҳуқуқига эга эканлигини қайд этади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 11-моддасида айтилганидек, давлат ҳокимиятининг тизими - қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниш принципига

асосланади. Унга кўра, давлат функциялари қонун чиқарувчи орган - Олий Мажлис, давлат ва ижроия ҳокимияти раҳбари - Ўзбекистон Республикасининг Президенти ва суд ҳокимияти ўртасида тақсимланади. Ўзбекистон Олий Мажлиси эса давлатнинг бошқа идоралари билан ҳамкорлик қилиш билан бирга, қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширади.

Олий Мажлиснинг қонун чиқариш фаолияти ўз аҳамиятига кўра у амалга оширадиган бошқа ваколатлар орасида устувор ҳисобланади. Конституциянинг 76-моддасида Олий Мажлиснинг бошқа бирон вазифаси кўрсатилмаган. Лекин шунини таъкидлаш жоизки, Олий Мажлисга унинг Конституциявий мақоми доирасида шундай ваколатлар берилганки, улардан келиб чиқиб, парламент баъзи бир назорат функцияларини ҳам бажара олади.

**Ўзбекистон Республикасида сайлов ҳуқуқи ва сайлов тизими.** Конституциянинг 117-модда Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари давлат ҳокимияти вакиллик органларига ва сайланиш ҳуқуқига эгадирлар деб таъкидланган. Ҳар бир сайловчи бир овозга эга. Ўз хоҳиш иродасини билдириш тенглиги ва эркинлиги қонун билан қафолатланади. Ўзбекистон Республикасида Президент сайлови, ҳокимиятнинг вакиллик органлари сайлови умумий, тенг, тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан ўтказилади. Ўзбекистон Республикасининг 18 ёшга тўлган фуқаролари сайлаш ҳуқуқига эгадирлар. Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган, шунингдек озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётганлар сайланиши мумкин эмас ва сайловда қатнашмайдилар. Бошқа ҳар қандай ҳолларда фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини тўғридан-тўғри ёки билвосита чеклашга йўл қўйилмайди. Ўзбекистон Республикаси фуқароси бир вақтнинг ўзида иккидан ортиқ вакиллик органининг депутати бўлиши мумкин эмас. Сайлов ўтказиш тартиби қонун билан белгиланади.

Конституциянинг XXIII боби “Сайлов тизими” деб номланган бўлиб, тўла-тўқис мазкур тизимни ҳуқуқий жиҳатидан таъминлашга бағишланган. Сайлов тизими демократик принциплар ва халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган нормаларига асосланган. Ушбу боб моҳиятини тўғри тушуниш учун Асосий Қонунимизнинг II бобидаги 7-моддага мурожаат этиш муҳим. Унда қуйидагилар баён этилган: “Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир”.

Демократик сайлов тизими мустақил Ўзбекистон Республикасида халқ ҳокимиятчилигини, фуқароларнинг давлатни бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқларини амалга оширишнинг энг муҳим механизмларидан биридир. Халқнинг ҳокимият билан узвий алоқаси, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларда аҳоли барча табақаларининг манфаатларини кенг ифода этиш, мазкур органларнинг сайловчилар, турли сиёсий кучлар ва вакиллик органлари олдидаги ҳисобдорлиги айти сайлов тизими орқали таъминланади.

Конституцияга биноан мамлакатимизда Президент сайлови, Олий Мажлис ва маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари депутатлари сайлови умумий тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида ўтказилади.

Сайлов ҳуқуқининг тенглиги принципи ҳар бир сайловчи фақатгина битта сайловчилар рўйхатиغا киритилиши, фақат битта овозга эга бўлиб, сайловда тенг асосларда қатнашиши мумкинлигида ўз ифодасини топган. Бу борадаги тенглик сайлов округларини сайловчилар сонининг баробар бўлиши қондаси асосида тузиш билан ҳам таъминланади. Бир сайлов округидаги сайловчилар овози бошқа округдаги сайловчиларнинг овозига амалда тенг бўлишига шу зайдда эришилади. Тенглик принципи номзодларга қонунда белгиланган тарзда тенг миқдорда ишончли шахсларга эга бўлиш, сайловолди тарғиботини ўтказишда ўз сайловчилари билан учрашувлар ўтказиш ҳуқуқининг тенг кафолатлари ва имкониятларини бериш йўли билан ҳам таъминланади. Тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи принципи аниқ белгилаб берилган. Бу қоида овоз беришни фуқаролар бевосита ўзлари малга оширишларини англатади.

Сайловчиларнинг сайлаш ва сайланиш, сайловолди ташвиқоти олиб бориш, ҳуқуқларини амалга оширишларига зўравонлик, алдаш, таҳдид ёки бошқа йўл билан тўсқинлик қилиш, шунингдек сохта сайлов ҳужжатлари тузиш, овоз бериш натижаларини атайин нотўғри чиқариш, яшрин овоз бериш тартибини бузиш, сайлов тўғрисидаги қонунларни бошқача тарзда бузиш қонунга мувофиқ жавобгарликка тортишга сабаб бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси ҳудудий сайлов округлари бўйича кўппартиялилик ва муқобиллик асосида беш йил муддатга сайланадиган депутатлардан иборат.

**Олий Мажлис – Ўзбекистон Республикасининг қонун чиқарувчи Олий ҳокимият органи.** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси икки палатадан- Қонунчилик палатаси (қуйи палата) ва Сенатдан (юқори палата) иборат.

Конституция парламент депутатларининг ҳудудий сайлов округлари бўйича кўппартиялилик асосида сайланишини муҳим Конституциявий принцип сифатида мустаҳкамлайди.

Олий Мажлисга депутатлар сайловини ўтказувчи сайлов округлари республиканинг бутун ҳудудида сайловчилар сонига қараб тенг ҳолда тузилади. Ҳар бир сайлов учун сайлов округига тўғри келадиган сайловчилар меъёри Олий Мажлис томонидан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати ваколат муддати беш йил. Шунинг эътиборга олиш керакки, унинг ваколоти тугаган тақдирда Олий Мажлис янги парламент сайланиб ўз ишини бошлашга қадар ўз фаолиятини давом эттиради.

Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ҳудудий сайлов округлари бўйича кўппартиявийлик асосида сайланадиган бир юз эллик депутатдан иборат бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлисининг Сенати ҳудудий вакиллик палатаси бўлиб, Сенат аъзоларидан (сенаторлардан) иборат.

Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлисининг Сенати аъзолари Қорақалпоғистон Республикаси Жўғорғи Кенгеси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларнинг тегишли қўшма мажлисларида мазкур депутатлар орасидан яширин овоз бериш йўли билан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан тенг миқдорда – олти кишидан сайланади. Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлисининг Сенатининг ўн олти нафар аъзоси фан, санъат, адабиёт, ишлаб чиқариш соҳасида ҳамда давлат ва жамият фаолиятининг бошқа тармоқларида катта амалий тажрибага эга бўлган ҳамда алоҳида хизмат кўрсатган энг обрўли фуқаролар орасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг биргаликдаги ваколатларига: Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини қабул қилиш, унга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, Ўзбекистон республикасининг референдумини ўтказиш тўғрисида ва уни ўтказиш санасини тайинлаш ҳақида қарор қабул қилиш, Ўзбекистон Республикаси ички ва ташқи сиёсатининг асосий йўналишларини қабул қилиш, Ўзбекистон Республикаси қонун чиқарувчи, ижро этувчи ҳамда суд ҳокимияти органларининг тизимини ва ваколатларини белгилаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тақдимига биноан Ўзбекистон республикасининг давлат бюджетини қабул қилиш ва унинг ижросини назорат этиш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни жорий қилиш, Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий тузилиши масалаларини қонун йўли билан тартибга солиш, чегараларини ўзгартириш, туманлар, шаҳарлар, вилоятларни ташкил этиш, тугатиш, уларнинг номини ҳамда чегараларини ўзгартириш, давлат мукофотлари ва унвонларини таъсис этиш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг вазирликлар, давлат қўмиталари ва давлат бошқарувининг бошқа органларини тузиш ҳамда тугатиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясини тузиш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикасикасига ҳужум қилинганда ёки тажовуздан бир-бирини мудофаа қилиш юзасидан тузилган шартнома мажбуриятларини бажариш зарурати туғилганда уруш ҳолати эълон қилиш тўғрисидаги фармонини тасдиқлаш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг умумий ёки қисман сафарбарлик эълон қилиш, фавқулотда ҳолат жорий этиш, унинг амал қилишини узайтириш ёки тугатиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлайди.

Палаталарнинг биргаликдаги ваколатларига кирадиган масалалар, қоида тариқасида, аввал Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасида, сўнгра Сенатида кўриб чиқилади.

**Ўзбекистонда парламент ислоҳоти.** Парламент - демократик жавлатларда олий вакиллик ва қонунчилик органининг номи ҳисобланади. Парламент илк бор XIII – асрда Англияда табақа вакиллиги органи сифатида ташкил қилинган бўлиб, у ўзининг асл аҳамиятини XVII- XVIII асрлардаги буржуа инқилобларидан сўнг эгаллайди. Парламент

Олий вакиллик органининг ўз номини белгилаш учун Буюк Британия, Франция, Италия, Канада, Белгияда қўлланилади. Юқори палатани шакллантириш – Олий Мажлис Сенатида тегишлича вакилликни таъминлаш ва унинг фаолиятини ташкил этишнинг асосий вазифаларидан. Сенатни шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари, бир томондан, сайлов ҳуқуқининг Конституциявий тамойилларини жорий этишдан иборат бўлса, иккинчи томондан, ҳудудлар вакиллигининг энг тажрибали ва обрў-эътиборли номзодлари орасидан муносибларини танлаб олишдир. Сайлов ҳуқуқининг Конституциявий тамойиллари ҳақида сўз юритганда, фуқароларнинг давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига ҳамда ҳар бир сайловчининг бир овозга эгаллиги қонун билан кафолатланганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгенсига, вилоят, туман ва шаҳар ҳокимияти вакиллик органларига депутатликка сайланишда ҳам Сенатни шакллантиришнинг ушбу принциплари айнан татбиқ этилади.

Маҳаллий кенгашларнинг депутатлари сайлов жараёнида тегишли ҳуқуқий муносабатларнинг вакил этилган иштирокчилари сифатида сиёсий сахнага чиқадилар. Ўз-ўзидан маҳаллий кенгаш депутатлари сайлов ҳуқуқини амалга ошириш давомидаги бевосита субъект сифатида ўз сайловчиларининг хоҳиш-иродасига тўла боғлиқ бўлаолмайдилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ўзининг муҳим ваколатларини ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш орқали амалга оширади. Қонунларни қабул қилиш жараёни бир қатор босқичлардан иборат бўлиб, қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг, одатда, Конституция ва тегишли орган регламентида мустаҳкамланган қонунларни яратиш бўйича фаолият тартиби ҳисобланади. Қонунчилик жараёнига аниқ ҳуқуқий тартиб ҳосдир. Ўзбекистон Республикасида қонунчилик жараёни, одатда, 4 та босқични ўз ичига олади: қонунчилик ташаббуси; қонун лойиҳасини кўриб чиқиш ва муҳокама қилиш; қонунни қабул қилиш; қонунни имзолаш, қонунни эълон қилиш ва унинг кучга кириши.

Қонунчилик ташаббуси - қонун лойиҳасини ўрнатилган тартибда қонунчилик муассасасига расмий тарзда киритиш. Ҳозирги даврда хорижий мамлакатларда қонунчилик ташаббусига парламент депутатлари, парламент қўмиталари, давлат раҳбари, ҳукумат, умуммиллий ваколати бўлган тегишли муассасалар эга. Қонунчилик ташаббуси қонунчилик жараёнининг биринчи босқичи бўлиб, у одатда, Конституция томонидан белгиланган қонунни қабул қилиш тартибидир. Бу жараён тегишли қонунчилик органининг маълум қонун лойиҳасини ўз мажлисида кўриб чиқиш мажбуриятини англатади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 82-моддасига мувофиқ, Олий Мажлисга қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига: Ўзбекистон Республикасининг Президенти; ўз давлат ҳокимиятининг олий органи орқали Қорақалпоғистон Республикаси; Олий Мажлиснинг депутатлари; Вазирлар Маҳкамаси; Конституциявий суд; Олий суд; Олий хўжалик суди; Бош прокурор эгадирлар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига қонун лойиҳаларини киритишнинг зарурий шартлари қуйидагилар, яъни: қонун лойиҳаси матнини тақдим этиш; бўлажак қонунларнинг мақсадлари, вазифалари ва асосий қоидалари ҳамда уларнинг амалдаги қонунлар тизимида тутадиган ўрнини асослаш;

Шундай қилиб, хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ҳуқуқий мақоми, уни ташкилий тартиби ва фаолиятининг асослари Конституция 18-бобининг 76—88-моддаларида, 1994 йил 22 сентябрдаги "Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси тўғрисида"ги Конституциявий қонунда ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатларда белгилаб берилган. Уларга асосан, Олий Мажлис олий вакиллик органи бўлиб, у қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширади. Олий Мажлис бевосита халқ томонидан сайланадиган ва қонун чиқариш фаолиятини амалга оширадиган бирдан-бир умуммиллий вакиллик органи ҳисобланади.

Ўзбекистон Олий Мажлиси республикамизда рўёбга чиқарилаётган Конституциявий ислоҳот мазмунига кўра, давлат ҳокимиятини ва бошқарув олий органлари тизимини демократлаштириш, вакиллик органларининг ижро органларига нисбатан реал мустақиллигини таъминлаш мақсадида ташкил этилди. Олий Мажлис парламент анъаналари асосида фаолият юритадиган орган бўлиб, қонун лойиҳалари ва бошқа бир қатор ҳужжатларни атрофлича, батафсил пухта ишлаб чиқиш, давлат ҳаётининг муҳим масалаларини ҳал қилиш учун кенг ваколатларга эга. Жумладан, у давлат ва жамият турмушининг: давлат қурилиши, иқтисодий ва молия, ижтимоий-маданий, ташқи муносабатлар, мудофаа ва давлат хавфсизлиги соҳаларида катта ҳуқуқларга эга. Олий Мажлис давлатнинг бошқа олий органларини тузишда, уларнинг шахсий таркибини белгилашда ишгирик этади.

Ўтган йиллар мобайнида Олий Мажлис қонунчилик фаолиятини жадал суръатлар билан олиб бориб, мамлакатимиз ривожланиши янги босқичида бозор иқтисодиёти муносабатлари муаммоларини оқилона ҳал қилиш, маънавиятни юксалтириш, чет эллар билан иқтисодий, сиёсий, маданий ўзаро алоқаларни ривожлантиришга катта ҳисса қўшмоқда.

### **Мавзунини такрорлаш учун саволлар.**

1. Қонунчилик палатаси деганда нимани тушунаминиз?
2. Сенат, Сенатни шакллантиришнинг ҳуқуқий асослари тўғрисида тушунча беринг
3. Икки палатали парламент деганда нимани тушунаминиз?
4. Ўзбекистон Республикасининг қонун чиқарувчи Олий ҳокимият органи қайси?
5. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг биргаликдаги ваколатлари нимадан иборат?
6. Конституциянинг 84- моддаси тўғрисида тушунча беринг?

7. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси таркиби тўғрисида маълумот беринг?

**Адабиётлар:**

- Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Тошкент., 2003 й
- Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Тошкент., 1996 й
- Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. Тошкент., 1999й
- Каримов И.А. Ўзбекистон ХХИ асрга интиломда. Тошкент., 1999 й
- Каримов И.А. Конституция ҳақида. Тошкент., 2001 й
- Э.Ҳалилов. Олий Мажлис фаолияти тўғрисида. Тошкент., 1999 й.
- Уразаев Ш. Мустақил Ўзбекистон Конституцияси. Тошкент., 1995й
- Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг «Сенати тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий Қонуни. (Ўзбекистон Республикаси Қонунлар тўплами.)
- Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий Қонуни. (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлар тўплами.
- "Сенатни шакллантиришнинг ҳуқуқий тамойили". Ҳаёт ва қонун. 2004 йил, 5 сони
- Парламент ислохотининг моҳияти. Ҳаёт ва қонун. 2004 йил, 1 сони
- Икки палатали парламент тизими. Ҳаёт ва қонун. 2004 йил, 4 сони
- А.Саидов. “Ўзбекистонда сайлов қонунчилиги ривожланишининг асосий босқичлари”.”Қонун ҳимоясида”. 2004 йил, 8 сони.
- Ўзбекистон Республикаси Конституциявий ҳуқуқи. Наманган., 2002йил
- Мустақиллик – изоҳли оммабоп луғат.Тошкент., 2000йил.
- М.Шарифхўжаев. Ўзбекистон сенати.Тошкент.. 2005йил.

## 7 - мавзу. Ўзбекистон Республикаси президенти – давлат ва ижроия ҳокимият бошлиғи.

Режа:

1. Ўзбекистон Президенти – давлат ва ижро этувчи ҳокимият бошлиғи.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Конституциявий, ҳуқуқий мақоми.
3. Вазирлар Маҳкамаси – Ўзбекистон Республикасининг ҳукумати.

### **Таянч иборалар:**

Ижро этувчи ҳокимият бошлиғи, Президентнинг Конституциявий мақоми, Президент сайлови, Вазирлар маҳкамаси, Давлат бошлиғи, Сенат аъзоси.

**Ўзбекистон Президенти – давлат ва ижро этувчи ҳокимият бошлиғи.** Конституциянинг 89-моддасида: “Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ўзбекистон Республикасида давлат ва ижро этувчи ҳокимият бошлиғидир” деб ёзилган. Собиқ Иттифок республикалари орасида Ўзбекистон биринчи бўлиб, бошқарувнинг президентлик шаклини жорий қилди. Президентлик институти Ўзбекистонда 1990 йил мартада "Ўзбекистон ССР Президенти лавозимини таъсис этиш ва Ўзбекистон ССР Конституцияси (Асосий Қонуни) га ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун билан киритилди. Олий Совет XII чақириқ биринчи сессиясида Ўзбекистон Президенти этиб И.А.Каримов сайланди. 1991 йил 29 декабр ва 2000 йил 9 январда тўрғидан-тўғри умумхалқ Президенти сайловлари ўтказилди. Сайловлар муқобиллик асосида ўтказилди ва И.А.Каримов Президент этиб сайланди. 1992 йилги Конституцияга биноан, Президент давлат бошлиғи деб эълон қилинди. Бошқарувнинг Президентлик шаклида Президент умумхалқ сайловларида сайланади ва давлат бошлиғи ҳисобланади, айти вақтда у ижро ҳокимиятини ҳам бошқаради, фақат ўзи олдида жавобгар бўлган ҳукуматни тузади.

"Президент" тушунчаси Конституциявий-ҳуқуқий маънода давлат бошлиғини англатади. Айнан шунинг учун бу институт жаҳон давлат-ҳуқуқ амалиётида яратилган эди. Унинг бундай роли Президенти бўлган ҳар қандай замонавий демократик республикага ҳосдир. Президент давлатни жипслаштириши, давлат ҳокимияти механизмининг барқарорлиги ва ҳаракатчанлигини таъминлаши лозим. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йилги Конституциясига мувофиқ Президент — ҳокимиятлар бўлиниши принципига риоя қилинишида давлат механизмининг энг муҳим институтидир. Давлат бошлиғи сифатида Президент давлат ҳокимияти органлари тизимида етакчи рол ўйнайди. Президент давлат ичида ва халқаро муносабатларда Ўзбекистоннинг Олий вакиллигини амалга оширади. Давлат бошлиғи ўзида у ёки бу ҳокимият тармоғини эмас, балки давлат ва бутун давлат ҳокимиятининг бирлигини намоён этади.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти ижро ҳокимиятининг бошлиғи ҳам ҳисобланади. Ижро ҳокимиятига бевосита иқтисодий, ижтимоий ва маънавий соҳаларга бошчилик қилиш юклатилган. Бунинг учун унга кўрсатма, фармойиш берувчилик

функциялари тақдим этилган. Ижро ҳокимиятига қонунларни ижро этиш юкланган, бу ҳокимиятнинг номи шундан келиб чиққан. Ижро ҳокимияти мураккаб, бир-бирига бўйсунадиган давлат органлари тузилмалари орқали амалга оширилади. Унга Вазирлар Маҳкамаси етакчилик қилади. Вазирлар Маҳкамаси — Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг расмий номидир (Вазирлар Маҳкамаси тўғрисидаги Қонуннинг 1-моддаси).

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг Конституциявий, ҳуқуқий мақоми.** Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг XIX боби Ўзбекистон Республикаси Президенти деб номланади. Бу боб 9 та моддадан иборат бўлиб, уларда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Конституциявий мақоми белгилаб берилган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 90-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари томонидан умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан 7 йил муддатга сайланади. Ўзбекистон Республикасининг Президенти дахлсизлик ҳуқуқига эга. Президентнинг дахлсизлиги мутлақ бўлиб, у бажарадиган мажбуриятлардан келиб чиқиб, Президентнинг қонунлар билан алоҳида муҳофаза этилишини англатади. Президент шахсининг дахлсизлиги унга қарши жиноят иши қўзғатилиши мумкин эмаслигини билдиради. Президент мажбурий равишда, масалан, гувоҳ сифатида судга чақирилиши, маъмурий жавобгарликка тортилиши мумкин эмас. Президент ҳибсга олинishi, тинтув этилиши мумкин эмас. Шу маънода Президентнинг шахси дахлсиздир.

Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти қасамёд қабул қилган пайтдан бошлаб, ўз лавозимини бажаришга киришади.

Ўзбекистонда умумхалқ сайловида сайланган Президент И.А.Каримов биринчи бўлиб қасамёд қабул қилди. Агар бир шахс иккинчи марта Президент бўлиб сайланса, қасамёд тақроран қабул қилинади. Президентнинг қасамёди фақат расмий тантанали маросим сифатидагина қабул қилинмайди. Шунингдек, у юридик аҳамиятга ҳам эга. Президент қасамёдининг юридик аҳамияти қуйидагилардан иборат: биринчидан, Президент қасамёд қабул қилиши билан ўз лавозимига киришади ва ўзининг Конституциявий ваколатларини бажара бошлайди. Шу вақтдан бошлаб, олдинги Президент ўз ваколатини тугатади; иккинчидан, қасамёднинг матни одатда Конституцияда берилади, халққа эълон қилинади ва парламент олдида Президент томонидан тантанали қабул қилинади. Қасамёд матнида Конституцияга садоқат, халқ ва давлатга ҳизмат қилиш билан бирга, кўпинча диний тусдаги ифодалар бўлади ёки қасамёд Қуръонда ёхуд Инжилда қабул қилинади; учинчидан, қасамёдни бузиш Президентни жавобгарликка олиб келади, бу унинг ўз лавозимидан четлатилиши учун асос бўлиши мумкин (бундай маросим кўп мамлакатларда импичмент номини олган);

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси Ўзбекистон Республикаси Президентига унинг давлат ҳокимияти органлари тизимидаги ўрнига мос қўллаб ваколатларни беради.

Президент фақат Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ўрнатилган доиралардагина фаолият кўрсатади. Президентнинг Конституциявий ваколатлари давлат ва жамият ҳаёти фаолиятининг энг муҳим соҳаларини қамраб олади.

Президентнинг асосий вазифаси — давлатнинг бирлигини мамлакат ичида ва ташқарисида намоён қилишдир. Президент ваколатларининг кўлами унинг давлат ва ижро ҳокимиятининг бошлиғи эканлигидан келиб чиқади.

Ўзбекистон Президенти фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг кафилидир. Бу шуни билдирадики, Ўзбекистон Республикаси Президенти инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмнинг узлуксиз ишлаши учун шахсан жавобгар, бирор сабаб билан ушбу ҳуқуқ ва эркинликларнинг амалга оширилиши бузилган ҳолларда тегишли чоралар кўришга мажбур. Президент инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишга қаратилган ҳамда аҳолининг алоҳида ижтимоий ҳимояга муҳтож гуруҳларини, масалан, пенсионерлар, ногиронлар ва давлат томонидан ҳимояга муҳтож фуқароларни муҳофаза қилишга йўналтирилган қонунларни ташаббус қилиш, фармонлар чиқариш орқали ўзининг инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг кафили сифатидаги функциясини бажариб келмоқда Ўзбекистон Республикасининг Президенти Конституция ва қонунларга риоя этилишининг кафилидир. Президент ўз ваколатларини амалга ошира бориб, барча давлат органлари, мансабдор шахслар ва фуқароларнинг ўз Конституциявий мажбуриятларини зарур даражада бажаришларини таъминлайди. У ҳатти-ҳаракатлари Конституция талабларига жавоб бермаётган органлар ва шахсларга бевосита мурожаат қилиш орқали ҳам, шу соҳадаги ваколатли органлар, хусусан судлар воситасида ҳам бунга эришади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Конституцияда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасининг суверенитети, ҳавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини муҳофаза этиш юзасидан зарур чора-тадбирларни кўради. Суверенитетни муҳофаза қилиш давлат ҳокимияти барча тармоқларининг фаолият кўрсатиши орқали таъминланади. Шунинг учун Президент махсус ваколатларга эга, хусусан, фавқулудда вазиятлар (реал ташқи ҳавф, оммавий тартибсизликлар, йирик ҳалокат, табиий офат, эпидемиялар Амнистиядан фарқли равишда афв — индивидуал акт, яъни муайян шахс ёки шахслар гуруҳига тааллуқли ҳужжатдир. Афв ҳукм қонуний кучга кирган жинояти учун судланган шахсни жазодан озод қилиш ёки жазони юмшатишдир. Афв этиш реабилитасиядан фарқ қилади. Реабилитасия (оқлаш) ҳам индивидуал акт, лекин у оқланган шахс ноқонуний ҳукм қилинганини билдиради. Афв эса ҳукмнинг тўғрилигини тасдиқлайди, лекин маҳкумнинг ҳолатини энгиллаштиради (жазо чорасини ўзгартириш, жазони ўташдан озод қилиш).

Ўзбекистон Республикасининг Президенти ўз ваколатларини бажаришни давлат идораларига ёки мансабдор шахсларга топширишга ҳақли эмас. Конституциянинг 95-моддаси кўп мамлакатларда мавжуд бўлган давлат бошлиғининг парламентни тарқатиб юбориш институтига бағишланади. Парламентни тарқатиб юбориш - унинг ваколатлари тугагунча,

янги сайловлар белгилангунича парламент фаолиятининг тўхтатилишидир. Парламентни тарқатиб юбориш ҳокимиятларнинг бўлиниши принципини амалга оширадиган мувозанатлар ва зиддиятлар тизимининг муҳим элементиدير. Президент Олий Мажлисни фақат Конституцияда аниқ белгиланган ҳоллардагина тарқатиши мумкин: биринчидан, Олий Мажлис таркибида унинг нормал фаолиятини таҳдидга соладиган, ҳал қилиб бўлмайдиган ихтилофлар юз берганда;

иккинчидан, Олий Мажлис бир неча марта Конституцияга зид қарорлар қабул қилганда; учинчидан, тарқатиб юборишга Конституциявий суднинг розилиги бўлганда.

Демократик тузумдаги парламентни тарқатиб юбориш институти учун икки томонлама бир ҳил юридик алоқа ҳосдир: парламент таркиби фаолияти-нинг тўхтатилиши ва янги сайловларнинг белгиланиши. Ўзбекистон Конституциясининг 95-моддасида Олий Мажлис тарқатилган тақдирда, уч ой мобайнида унга янги сайловлар ўтказилиши кўрсатилган.

Шу билан бирга, 95-модданинг 2-қисми Олий Мажлиснинг тарқатиб юборилишини чекловчи қондан белгилаб қўйган. Масалан, бутун Ўзбекистон ҳудудида ғавқулдда ҳолат жорий қилинган бўлса, Олий Мажлис тарқатилиши мумкин эмас. Бундай, алоҳида ғавқулдда вазиятда давлат амалдаги парламенциз қолиши мумкин эмас. Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисни тарқатиб юбориш ҳуқуқи мутлақ эмас, чунки бу ҳуқуқ қатъий белгиланган вазиятлар билан чегараланган.

Конституциянинг 94-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президенти Конституцияга ва қонунларга асосланиб ҳамда уларни ижро этиш юзасидан республиканинг бутун ҳудудида мажбурий кучга эга бўлган фармонлар, қарорлар ва фармойишлар чиқаради. Ўзбекистон Республикасининг Президенти ўз вазифалари ва Конституциявий ваколатларини амалга ошириш мақсадида кўп қиррали ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятини юритади. Президент бутун Ўзбекистон ҳудудида бевосита амал қиладиган, мажбурий кучга эга бўлган уч ҳил норматив-ҳуқуқий ҳужжат: фармонлар, қарорлар ва фармойишлар чиқаради.

Фармон аниқ бўлмаган жисмоний ва юридик шахсларга тааллуқли бўлиб, узоқ муддатга амал қилади. Фармон - норматив-ҳуқуқий ҳужжат. У ҳуқуқни қўллаш хусусиятига ҳам эга бўлиши мумкин ва демакки, норматив мазмунга эга бўлмаслиги ҳам мумкин. Норматив мазмундаги фармонлар нашр этилади, масалан, у ёки бу шахсни бирор лавозимга тайинлаш тўғрисида. Фармойиш - индивидуал ташкилий хусусиятдаги ҳужжатдир.

Президент чиқарадиган ҳужжатлар унинг ўзи томонидан Олий Мажлис ёки бошқа давлат органини хабардор қилмасдан ёки розилигини олмасдан мустақил чиқарилади. Президент чиқарадиган фармонлар, қарорлар ва фармойишлар Конституция ва қонунларга зид бўлмаслиги шарт. Чунки улар Конституция ва қонунлар асосида, уларни бажариш мақсадида чиқарилади. Президент чиқарган норматив ҳужжатларининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқлиги тўғрисидаги масала, зарурият туғилганда,

Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди томонидан ҳал қилинади (Конституциянинг 109-моддаси). Кўриб чиқиш натижалари бўйича Конституциявий суд бутун ҳужжат ёки унинг айрим қоидалари Конституциявий ёхуд ғайри Конституциявий эканлиги ҳақида қарор қабул қилиши мумкин. Шу тариқа Президент актларининг Конституциявий бўлиши кафолати таъминланган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари қонун ости ҳужжатлари деб аталмайди. Лекин улар Конституция ва мамлакат қонунларига зид бўлмаслиги шарт (16-модда). Бирор масалани қонун билан тартибга солиш мавжуд бўлмаган ҳолларда, Президент олдиндан ушбу масала юзасидан норматив фармон чиқариши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Президентининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари "Ўзбекистон Республикаси Президентининг хабарномаси" ва шунингдек республика газеталарида расман эълон қилинади.

**Вазирлар Маҳкамаси – Ўзбекистон Республикасининг ҳукумати.** Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг XX боби Вазирлар Маҳкамасининг Конституциявий ҳуқуқий мақомини белгилаб берди.

Вазирлар Маҳкамаси таркибини Ўзбекистон Республикаси Президенти тузади ва у Олий Мажлис томонидан тасдиқланади (Конституциянинг 98-моддаси).

Қорақалпоғистон Республикаси ҳукуматининг бошлиғи Вазирлар Маҳкамаси таркибига ўз лавозими бўйича қиради. Вазирлар Маҳкамаси иқтисодиётнинг, ижтимоий ва маънавий соҳанинг самарали фаолиятига раҳбарликни, қонунлар, Олий Мажлиснинг бошқа қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари ижросини таъминлайди. Вазирлар Маҳкамаси амалдаги қонунларга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги барча органлар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган қарорлар ва фармойишлар чиқаради.

Вазирлар Маҳкамаси янги сайланган Олий Мажлис олдида ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилади. Вазирлар Маҳкамасининг фаолиятини ташкил этиш тартиби ва ваколат доираси қонун билан белгиланади.

Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикасининг ҳукумати иқтисодиёт, ижтимоий ва маънавий соҳаларнинг самарали фаолият кўрсатишига, қонунларнинг ижро этилишига, Олий Мажлиснинг бошқа қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари бажарилишига раҳбарликни таъминловчи Ўзбекистон Республикасининг ижро этувчи ҳокимият органидир.

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан республикада ижро этувчи ҳокимиятнинг амалга оширилиши тўғрисидаги Конституциявий ҳукумат мақоми, унинг алоҳида ҳуқуқларини, таркибини, қонун чиқарувчи органлари, ижро этувчи ҳокимият органлари, бошқа давлат органлари билан ўзаро муносабатлари тартибини белгилашда муҳим аҳамият касб этади. Ҳукумат Президенти, Олий Мажлис ва судлар билан бир қаторда

ҳокимиятни, уни қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиш асосида давлат ҳокимиятини амалга оширади. Вазирлар Маҳкамаси давлат бошқаруви органлари тизими ва ўзи ташкил этадиган хўжалик бошқаруви тузилмаларига бошчилик қилади, уларнинг ҳамжиҳатлик билан ишлашини таъминлайди. Ҳукумат ижро этувчи органлар томонидан қонун ҳужжатларининг бажарилишини мунтазам назорат қилади, йўл қўйилган бузилишларни бартараф этиш бўйича зарур чоралар кўради. Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ Вазирлар Маҳкамасининг Раиси ҳисобланади.

Вазирлар Маҳкамаси ўз ваколати доирасида: иқтисодий, ижтимоий-маданий жараёнларни бошқаради: мулкчиликнинг барча шакллари уйғунлаштириш ва уларнинг тенглиги, иқтисодиётни монополиядан чиқариш, бозор иқтисодиётининг ҳуқуқий механизмини рўёбга чиқариш асосида эркин тадбиркорлик учун шарт-шароитлар яратади, хўжалик юриштирининг янги шакллари барпо этишга ва мустаҳкамлашга кўмаклашади; Ўзбекистон Республикасида пул ва кредит тизимини мустаҳкамлаш чора-тадбирларини кўради; молиявий, кредит ва пул сиёсатини ишлаб чиқади, ягона нарх сиёсатини ўтказиш, меҳнат ҳақи миқдори ва ижтимоий таъминот даражаси борасида белгиланган кафолатларни таъминлаш бўйича чора-тадбирларни амалга оширади. Ҳукумат ўзига бўйсунувчи вазирликлар ва идоралар ишини бирлаштириб ва мувофиқлаштириб, уларнинг ижтимоий сиёсатини рўёбга чиқариш борасидаги масъулияти даражасини, бунинг учун зарур бўлган функция ва ваколатларни белгилайди; республика бюджетини, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш истиқболларини ва энг муҳим дастурларни ишлаб чиқишни ва уларнинг ижросини ташкил этади, ҳукумат бюджетини ишлаб чиқишни ташкил қилиб, методик раҳбарликни ҳамда республика ижро этувчи ҳокимияти, марказий органларининг ва жойлардаги ижро этувчи органларнинг бу ишдаги ишгироқини мувофиқлаштириш тартибини белгилайди. Бошқарув таркибини такомиллаштириш, вазирликлар, давлат кўмиталари, идоралар ва Ўзбекистон Республикаси давлат ва хўжалик бошқарувининг бошқа органларини тузиш, қайта ташкил қилиш ва тугатиш тўғрисида таклифлар ишлаб чиқади, фан ва техникани ривожлантириш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш чора-тадбирларини амалга оширади, фуқароларнинг ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимояланганлигини, уларнинг судга бўлган ҳуқуқларини таъминлаш чорасини кўради, ижтимоий таъминот тизимини такомиллаштиради, соғлиқни сақлаш, халқ таълимини ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг асосий йўналишларини белгилаб беради, маданиятни ривожлантиришга кўмаклашади.

Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамаси ўз ваколати доирасида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Ўзбекистон қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонларига ва Вазирлар

Маҳкамасининг қарорларига зид бўлган қарорлари ва фармойишларининг ижро этилишини тўхтатиб қўйиш ҳуқуқига эгадир. Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамаси ўз фаолиятида ҳудудларни иқтисодий ва ижтимоий-маданий ривожлантиришни таъминлаш билан боғлиқ масалалар билан ҳам шуғулланади. Шу мақсадда у маҳаллий ижро этувчи ҳокимият тузилмаларининг фаолиятини мувофиқлаштириб туради. Ҳудудларни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг асосий кўрсаткичларини тасдиқлайди, жойлардаги ижро этувчи ҳокимият мажмуининг сонини ва намунавий тузилмасини белгилайди. Вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг Ўзбекистон Республикаси қонунларига зид бўлган қарорлари ва фармойишларини тўхтатиб қўйиш ва бекор қилишга ҳақлидир.

Вазирлар Маҳкамасининг мажлислари йилнинг ҳар чорагида камида бир марта ўтказилади. Мажлисни Вазирлар Маҳкамасининг Раиси ёки унинг топшириғига биноан Бош Вазир ўтказди. Конституцияда ҳукумат Раиси-Ўзбекистон Республикаси Президентига ҳукумат фаолиятининг асосий йўналишларини белгилашда ҳам, унинг ишини ташкил қилишда ҳам ҳал қилувчи роль ажратилган. Конституция Раисга ижро этувчи ҳокимиятнинг куч-ғайрати қаратилиши лозим бўлган асосий участкаларни танлаш ҳуқуқини беради ҳамда бундай участкаларни тўғри танлаш ва лозим даражада “ўзлаштириш” учун бутун масъулиятни юклайди. Бош Вазир, Вазирлар Маҳкамасининг ишини ташкил этади, ўринбосарлар ўртасида вазифаларни тақсимлайди.

Вазирлар Маҳкамаси Раёсатининг ҳужжатлари: қарорлари, фармойишлар, баён қарорлари шаклида чиқарилади. Вазирлар маҳкамаси Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида барча тузилмалар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган қарорлар ва фармойишлар чиқаради. Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари Вазирлар Маҳкамасининг Раиси ёки унинг топшириғига биноан Бош Вазир томонидан имзоланади.

Вазирлар Маҳкамасининг фармойишлари Вазирлар Маҳкамасининг Раиси, Бош Вазир ёки унинг биринчи ўринбосари томонидан имзоланади.

Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, агар уларда бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, имзоланган кунидан бошлаб кучга киради. Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг асосий таркибий бўлинмалари раҳбарлари Бош Вазир тавсиясига Вазирлар Маҳкамаси Раиси томонидан лавозимига тайинланади ва ундан озод этилади.

#### **Мавзунини такрорлаш учун саволлар:**

1. Ўзбекистон Республикасининг Президенти қандай ваколатларга эга?
2. Президентликка сайланадиган шахснинг Ўзбекистонда яшаганлиги муддати неча йил бўлиши керак ?
3. Ваколати тугаши мунособати билан истеъфога чиққан Президент қандай лавозимни эгаллайди?
4. Вазирлар Маҳкамаси таркиби ким томонидан тасдиқланиши лозим ?

5.Вазирлар Маҳкамасининг ваколатлари тўғрисида тушунча беринг.

6.Вазирлар Маҳкамасининг раёсати ҳужжатлари қайси шаклларда чиқарилади?

7.Вазирлар Маҳкамасининг фаолияти тўғрисида тушунча беринг.

#### **Адабиётлар:**

- Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.Тошкент., 2010 йил
- Мустақиллик Декларацияси.Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик асослари. Тошкент., 2000 йил
- Ўзбекистон Республикаси президенти сайлови: Ўзбекистон Республикаси Қонун асослари. Тошкент., 1995йил.
- Хусанов О.Т. Ўзбекистон Республикасида давлат органлари.Тошкент.,1996йил
- Саидов.А. Қиёсий Конституцияшунослик.Тошкент., 1993 йил
- Саидов.А.Ўзбекистонда Президент сайловлари.Тошкент., 1999 йил
- Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш.Тошкент., 2001йил
- Ўзбекистон Республикаси Конституциясига шарҳлар.Тошкент., 2001 йил
- Ўзбекистон Конституциявий ҳуқуқи. Наманган., 2002 йил
- Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тоъплами.2004 йил.

## 8 - мавзу. Ўзбекистон Республикасининг маҳаллий ҳокимият органлари.

Режа:

1. Ўзбекистон Республикасида Маҳаллий вакиллик ва ижроия ҳокимияти органлари тизими.

2. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг Конституциявий вазифалари.

3. Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг тузиш тартиби ва вазифалари.

### Таянч иборалар:

Маҳаллий ҳокимият, халқ депутатлари, маҳаллаларда фуқароларнинг йиғинлари, маҳалла, ҳокимлик, вакиллик ҳокимияти.

**Ўзбекистон Республикасида Маҳаллий вакиллик ва ижроия ҳокимияти органлари тизими.** Конституциянинг 99-моддасида вилоятлар, туманлар ва шаҳарларда (туманга бўйсунадиган шаҳарлардан, шунингдек шаҳар таркибига кирувчи туманлардан ташқари) ҳокимлар бошчилик қиладиган халқ депутатлари Кенгашлари ҳокимиятнинг вакиллик органлари бўлиб, улар давлат ва фуқароларнинг манфаатларини кўзлаб ўз ваколатларига тааллуқли масалаларни ҳал этадилар деб таъкидланган..

Ҳокимиятнинг вакиллик ва ижроия органлари жойларда уларга берилган ваколат доирасида мустақил фаолият юритади. Маҳаллий Кенгашлар вакиллик органи ҳисобланади, улар ўз қарорини жамоа асосида қабул қилади. Ҳокимлик институти эса миллий давлатчилик бошқарувининг тарихий тажрибалари ва анъаналарини ҳисобга олган ҳолда тузилган. Ҳокимлар маҳаллий вакиллик органларига ҳамда ижроия ҳокимиятга раҳбарлик қилади.

Ҳокимлар халқ депутатлари Кенгашлари сессиясига тайёргарлик ишларига раҳбарлик қилади, сессияни чақиради, сессия ҳақида депутатларни ва аҳолини хабардор қилади, сессия ишига раҳбарлик қилади ҳамда сессияда қабул қилинган қарорларни имзолайди.

Халқ депутатлари Кенгашларига сайланадиган депутатлар орасида аҳолининг ҳамма қатламларига тегишли кишилар, турли касб, турли миллат, турли ёш, турли партия, турли жинс вакиллари бор. Демак бу орган ҳақиқатан ҳам вакиллик органидир.

Маҳаллий ҳокимият органлари ихтиёрига қуйидагилар киради:

қонунийликни, ҳуқуқий тартиботни ва фуқароларнинг ҳавфсизлигини таъминлаш, ҳудудларни иқтисодий, ижтимоий ва маданий ривожлантириш, маҳаллий бюджетни шакллантириш ва уни ижро этиш, маҳаллий солиқлар, йиғимларни белгилаш, бюджетдан ташқари жамғармаларни ҳосил қилиш, маҳаллий коммунал хўжаликка раҳбарлик қилиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, фуқаролик ҳолати актларини қайд этишни таъминлаш, норматив ҳужжатларни қабул қилиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва Ўзбекистон Республикаси қонунларига зид келмайдиган бошқа ваколатларни амалга ошириш (Конституциянинг 100-моддаси).

Халқ депутатлари кенгаши маҳаллий бюджет ва уни амалга ошириш ҳақидаги ҳисоботни тасдиқлайди. Улар маҳаллий солиқлар ва бошқа йиғимлар ҳажмидан келиб чиқиб

қонунга асосан аниқланади. Бу ўз-ўзидан маҳаллий солиқлар, йиғимлар ва тўловларга нисбатан имтиёз яратади. Бу ўринда “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонунда вакиллик органлари билан ижро органларининг бу масаладаги ваколатлари ажратиб кўрсатилган. Агар бюджет лойиҳаларини, бюджетнинг ижроси ҳақидаги ҳисоботни тайёрлаш, ижрони ташкил қилиш ҳокимият ваколатига кирса, унда бюджетни, унинг ижроси ҳақидаги ҳисоботни тасдиқлаш халқ депутатлари Кенгашлари ваколатига киради. Бюджет ижросини назорат қилиш ҳар иккаласининг ваколати доирасига киради. Мазкур моддада эътироф этилганидек, маҳаллий ҳокимият органлари ўз ҳудудида коммунал хўжалик фаолиятини мувофиқлаштиради, унга раҳбарлик қилади.

Маҳаллий ҳокимият органлари ўз ҳудудида фуқаролик ҳолати актларини қайд этишни таъминлайди, фуқаролик ҳолати актларини қайд қилувчи органларнинг фаолиятига раҳбарлик қилади. Агар туман ва кичик шаҳарларда бу ишларни бевосита маҳаллий ҳокимият органлари амалга оширсалар, вилоятларда ва Тошкент шаҳрида бу вазифа шу жойлардаги адлия органлари орқали йўлга қўйилади.

Маҳаллий ҳокимият органлари ўз фаолияти давомида ўзининг ваколатлари доирасида норматив ҳужжатлар қабул қилиш мумкин. Улар томонидан қабул қилинган қарорларнинг мазкур ҳудудда бажарилиши мажбурийдир. Маҳаллий ҳокимият органлари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва амалдаги қонунларига зид бўлмайдиган бошқа қатор ваколатларни ҳам амалга оширадилар.

Ўзбекистон Республикасида ҳамма поғонадаги халқ депутатлари Кенгашлари ва ҳокимларнинг ваколат муддати беш йил. Ҳокимлар бу муддат тўлмасдан озод этилиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддасида бу борада аниқлик киритилган.

Вакиллик ва ижроия ҳокимиятини тегишлилигига қараб вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари бошқаради. Вилоят ҳокимлари ва Тошкент шаҳри ҳокими Президент томонидан тайинланади ва лавозимидан озод қилинади ҳамда тегишли халқ депутатлари Кенгаши томонидан тасдиқланади (Конституциянинг 102-моддаси).

Туман ва шаҳарларнинг ҳокимлари тегишли вилоят ҳокими томонидан тайинланади ва лавозимидан озод қилинади ҳамда тегишли депутатлари Кенгаши томонидан тасдиқланади. Шаҳарлардаги туманларнинг ҳокимлари тегишли шаҳар ҳокими томонидан тайинланади ва лавозимидан озод қилинади ҳамда халқ депутатлари шаҳар Кенгаши томонидан тасдиқланади.

Туманларга бўйсунган шаҳарларнинг ҳокимларини туман ҳокими тайинлайди ва вазифасидан озод қилади ҳамда халқ депутатлари туман Кенгаши томонидан тасдиқланади.

Вилоят ҳокимлари ва Тошкент шаҳар ҳокими Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланади ва вазифасидан озод этилади, тегишли вилоят ва Тошкент шаҳар халқ депутатлари сессиясида тасдиқланади. Бу ҳолат вилоят ҳокимлари ва Тошкент шаҳри

ҳоқими Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли ҳудуддаги вакили эканлигини билдиради. Ҳоқимларнинг бу тартибда шаклланиши марказий ва маҳаллий ҳоқимият ўртасида ички бир боғланишни юзага келтиради ва уларнинг мустаҳкамлигини таъминлайди. Вилоятлар ҳоқимлари ва Тошкент шаҳар ҳоқими ҳоқимлик тизимининг энг юқори бўғини ҳисобланади. Туман ва шаҳар ҳоқимлари эса ҳоқимлик тизимида энг муҳим ўрталик бўғинидир.

Туманга бўйсунувчи шаҳар ҳоқимларини туман ҳоқими лавозимга тайинлайди ва лавозимдан озод қилади. Мазкур шаҳарларда ҳам ҳоқимият вакиллик органлари йўқлиги туфайли шаҳар ҳоқимини лавозимига тайинлаш ва озод қилиш масаласи туман халқ депутатлари кенгаши томонидан тасдиқланади.

Вилоят, туман ва шаҳар ҳоқимлари ўз ваколатларини яқабозчилик асосларида амалга оширадилар ва ўзлари раҳбарлик қилаётган органларнинг қарорлари ва фаолияти учун шахсан жавобгардирлар (Конституциянинг 103-моддаси).

Ҳоқимларнинг ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг фаолиятини ташкил қилиш, уларнинг ваколат доирасини ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларини сайлаш тартиби қонун билан белгиланади. Қонунда кўрсатилганидек, вилоятлар ҳоқимлари ва Тошкент шаҳар ҳоқими Ўзбекистон Республикаси Президенти ва тегишли халқ депутатлари Кенгаши олдида ҳисоб беради. Улар Президентнинг жойлардаги расмий вакили ҳисобланадилар. Ҳоқимлар ўзлари томонидан бошқарилаётган органларнинг амалий фаолияти учун шахсан жавобгардирлар.

Ҳоқимларнинг ваколат доирасига қуйидагилар киради:

мамлакатимизда ва ҳорижий мамлакатларда вилоят, туман ва шаҳарнинг расмий вакили сифатида ишларни амалга ошириш, бошқа ҳудудлар билан шартнома ва битимлар тузиш, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қонун ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатларини, Президент фармонларини, Вазирлар Маҳкамаси ва ўз ҳудудидаги халқ депутатлари Кенгаши қарорларининг бажарилишини таъминлайди ва бошқа ваколатларни амалга оширади

**Маҳаллий давлат ҳоқимияти органларининг Конституциявий вазифалари.** Маҳаллий давлат ҳоқимияти органлари бир-бирига бўйсунмаган мустақил давлат ва вакиллик органлари бўлиб, ўзаро муносабатларда ҳамкорлик асосида ўз фаолиятларини ташкил этадилар. Маҳаллий халқ депутатлари Кенгашларига ҳоқимларнинг раҳбарлиги уни Кенгаш олдидаги масъулиятини оширади.

Республикада Миллий давлатчилик анъаналарини тиклашни кўзда тутиб, иқтисодиётни бозор муносабатларига ўтказиш шароитида ижроия ҳоқимиятни мустаҳкамлаш зарурлиги муносабати билан ҳоқимлик лавозими 1992 йил қабул қилинган "Маҳаллий Қишлоқ инфраструктурасини ривожлантириш дастурини бажаришни назорат қилиш бўйича комиссияси. Алоҳида муҳим аҳамиятга эга бўлган объектларнинг қўриқланишини назорат

қилиш бўйича комиссияси, ишга тайёргарлик кўриш бўйича комиссияси.Йўл харакати хавфсизлигини таъминлаш комиссияси. Эпидемияга қарши кураш комиссияси. Топономик объектларга ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш масалалари комиссияси."Давлат тили тўғрисида"ги қонунни бажариш ва янги ўзбек алифбосини жорий қилиш масалалари комиссияси. Давлат тили тўғрисида"ги қонунни бажариш ва янги ўзбек алифбосини жорий қилиш масалалари комиссияси.Вилоят чакирув комиссияси. Бозорларнинг фаолиятини ташкил этиш ва уларни бошқаришни тартибга солиш комиссияси. Пул-кредит сиёсати комиссияси.Ақсия маркалари тизимини жорий этиш бўйича Корхоналар банкротлиги ва санксия масалалари бўйича комиссияси.

Қишлоқ хўжалиги корхоналарини санксия қилиш масалалари комиссияси. Кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантириш, рағбатлантириш бўйича комиссияси. Солиқ ва тўловлар интизомини мустаҳкамлаш бўйича комиссияси. Ҳаж ва умра зиёратларини ташкил этиш комиссияси.

Вояга этмаганлар ишлари бўйича комиссияси.Жазони ўташ жойларидан озод қилинган шахсларга ижтимоий-маиший жихатдан ёрдам кўрсатиш

бўйича комиссиялар фаолият кўрсатмоқдалар.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қуйидаги асосий вазифаларни ҳал этадилар: ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш юзасидан комплекс дастурларни ишлаб чиқиш ва ҳукумат дастурларини амалга ошириш; жойларда хўжалик юритиш шакллариини такомиллаштириш, молия ва тўлов интизомини мустаҳкамлаш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш; табиий ва меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш, атроф-муҳитни муҳофаза этиш; қонунлар, Олий Мажлис қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамаси ва халқ депутатлари Кенгашлари қарорларининг ижросини таъминлаш; маҳаллий ҳокимият ва ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш ва уларнинг ишини доимий назоратини ташкил этади.

Маҳаллий ҳокимият органлари ихтиёрига қуйидагилар киради:

қонунийликни, ҳуқуқий-тартиботни ва фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш;

маҳаллий бюджетни шакллантириш ва уни ижро этиш, маҳаллий солиқлар, йигимларни белгилаш, бюджетдан ташқари жамгармаларни ҳосил қилиш;маҳаллий коммунал хўжаликка раҳбарлик қилиш;атроф-муҳитни муҳофаза қилиш;фуқаролик ҳолати актларини қайд этишни таъминлаш;норматив ҳужжатлар қабул қилиш ҳамда, Ўзбекистон Республикаси қонунларига зид келмайдиган бошқа ваколатларни амалга ошириш (Конституциянинг 100-моддаси). Қонунийликнинг моҳияти ҳамма давлат органлари, жамоат ташкилотлари, мансабдор шахслар ва фуқаролар қабул қилинган меъёрий ҳужжатларга бир хилда риоя қилишларини билдиради. Халқ депутатлари Кенгашларининг ҳар бирини қонунларда белгилангаи ваколатларни, ўзларига берилган ҳуқуқлари доирасида, амалга оширадилар. Қонунийликни

таъминлашда давлат фаолиятининг ҳуқуқий асосларини ривожлантириш билан бир қаторда, қонунларни ва улар асосида қабул қилинган меъёрий ҳужжатларнинг бажарилиши устидан ўрнатилган назорат ҳам катта аҳамиятга эгадир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддасига мувофиқ, республикада қонунийликка амал қилинишида назорат ҳизматини республика Президенти тузади, бу Республика Президенти аппаратидаги назорат инспексиясидир. Вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари аппаратида ҳам назорат инспексияси тузилган.

Маҳаллий Кенгашлар фаолиятида қонунийлик принципини таъминлаш қатор талабларга жавоб беришни кўзда тутади, уларнинг асосийлари қуйидагилардир: биринчидан, Конституция ва қонунлар билан белгилаб берилган ваколатларга риоя қилиш, ҳар бир Кенгаш қонунлар билан белгиланган масалаларнигина ҳал қилиши мумкин; иккинчидан масалаларни ҳал қилишнинг белгиланган тартибига риоя қилиш. Масалан, халқ депутатлари Кенгашлари сессияларини ўтказишда регламентга риоя қилиш. Ниҳоят, учинчидан, қабул қилинаётган актларга нисбатан қонунчилик талабларига риоя қилиш. Кенгаш фақат унга берилган ҳуқуқлар доирасидагина актлар қабул қилиши мумкин. Кенгашнинг қарори ўзининг мазмунига кўра қонунларга ва юқори органларнинг актларига мос бўлиши шарт. Қарор, қонунлар кўзда тутилган тартибда ва шаклда қабул қилинади. Шунингдек, маҳаллий давлат органлари фаолиятида ошкоралик принципи ҳам улар фаолиятининг тўғри ташкил этилишини таъминлайди. У ёки бу масалани ҳал қилишда энг кам моддий-молиявий маблағлар сарф қилишни, кам куч сарф қилинишини талаб қиладиган йўл танлаб олинishi лозим. Тежамкорлик ҳал қилинаётган масалага ҳар томонлама ёндошиш, ҳозирги замон фани ва илғор тажриба ютуқларидан фойдаланиш билан таъминланади. Учунчидан, қарор қонуний бўлиши керак, яъни у тегишли орган томондан ваколати доирасида қабул қилинганлигини билдиради ва у ёки бу масалани қонун йўл қўйган воситалар билан ҳал қилинишини кўзда тутади. Кенгаш ва ҳокимлик қарорлари уларнинг сессиялари ва мажлисларида етарли сондаги депутатлар қатнашганда, қарорлар овозга қўйилганда овозларни кўпчилик овоз билан қабул қилиниши, тўғри расмийлашғирилиши ва имзоланиши, ижросиларга кўрсатилган муддатларга юборилиши лозим. Қарорларнинг ҳаётийлиги ва тежамкорлигини таъминлаш учун лойҳаларни тайёрлашда қарорлар қабул қилиш тартибини билдирган мутахассислар ва манфаатдор ташкилотлар жалб қилиниши, депутатларнинг жамоатчиликнинг қуйи турувчи органларининг фикр ва мулоҳазаларини эътиборга олинishi муҳимдир. Қарор қабул қилиш уларни ҳаётга татбиқ қилиш бўйича ташкилий иш билан ажратилмаган ҳолда амалга оширилади. Қарорлар ижросини ва назоратни ташкил қилиб қолмасдан, юқори органлар актларининг ижросининг назоратини ташкил қилинади. Ижро ва назорат ташкил қилиш иши-нинг марказида ҳокимлик девони бўлиши лозим. У бу йўналишда бўлим ва бошқармаларни, жамоатчилик органларининг фаолиятини мувофиқлаштиради.

Халқ депутатлари Кенгаши ёки ҳокимликнинг маълум тармоқдагини ўрганилаётганда, масалан, савдо ва умумий овқатланиш, мактабларнинг ўқув йилига тайёргарлиги, одат бўйича шу соҳалардаги ҳамма корхона, муассасаларнинг иши текширилади. Шундай йўл билан фақат корхона, ташкилот ва муассасаларнинг иши билангина танишиб қолмасдан, балки халқ депутатлари Кенгаши доимий комиссиялари ёки ҳокимлик бўлим бошқармаларининг назорат қилиш сифати билан танишиш учун кенг имконият яратилади. Бу эса қарор ва бошқа ҳужжатларнинг ишлаб чиқилиши ва тайёрланишида аниқ мақсаднинг ифодаланишини таъминлаб беради.

Ҳокимларнинг ижро ва вакиллик Ҳокимларнинг ижро ва вакиллик органлари тизимида бошчилик қилиш жойларда давлат ҳокимиятининг амалга оширилишида масъул шахсни белгилайди. Бу эса, ота-боболаримизнинг давлат бошқаруви тажрибасида синовдан ўтган усули ҳисобланади. Шунингдек, Конституциянинг 11-моддасида белгиланган ҳокимиятнинг тақсимланиш принципи мутлақо тўғри келади. Чунки ҳокимлар вакиллик органлари олдида вақти-вақти билан ҳисоб бериб туради. Вакиллик органларига бошчилик қилиш Конституциянинг 99 ва 102-моддаларида ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисидаги қонуннинг 1-моддасида мустаҳкамланган тартибда амалга оширилади.

Шунингдек, ҳоким ўз ўринбосарлари ва ижроия ҳокимият таркибий бўлинмаларининг раҳбарларини лавозимида тайинлаш ва лавозимидан озод этиш тўғрисидаги қарорларини халқ депутатлари Кенгаши тасдиқига тақдим этади. Ҳокимлик девони бўлинмалари раҳбарларини лавозимида тайинлайди ва лавозимидан озод этади.

Комиссия тавсияномалари манфаатдор органларга комиссия мажлиси баённомасидан кўчирма шаклида юборилади. Доимий комиссиялар фаолиятининг энг муҳим жихатлари шунда кўринадики, тегишли ҳудуднинг ижро ҳамда вакиллик органлари ишининг самарадорлигини оширишда, улар ўртасидаги ҳуқуқий муносабатларни таъминлаб борилишини ташкиллаштирувчи орган сифатида фаолият юритади. Шунингдек, вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларида ташкил этилган доимий комиссиялар ўзларига тегишли ҳудудда корхона, ташкилот, муассасаларда қонун талаблари қандай бажарилаётганлиги тўғрисида ўтказадиган текширишларида ҳамкорлик қиладилар ва ўз иш режаларини мувофиқлаштирадилар ҳамда ўз фаолиятлари ва иш тажрибалари билан фикр алмашиб турадилар.

**Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг тузиш тартиби ва вазифалари.** Ўзбекистон давлат органлари тизимида уларнинг айрим ваколатларини амалга оширувчи жамоат бирлашмаси ҳисобланган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисидаги қонун биринчи марта 1993 йил 2 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн иккинчи чақириқ учинчи сессиясида қабул қилинган. "Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги қонун қишлоқ, шаҳарча ва овулларда, улар таркибидаги маҳаллаларда тузиладиган фуқароларнинг ўзини ўзи

бошқариш органларининг тузилишини ва уларнинг ҳуқуқий ҳолатини белгилаб берди. Шаҳар, қишлоқ ва овулларда, шунингдек улар таркибидаги маҳаллаларда ҳамда шаҳарлардаги маҳаллаларда фуқароларнинг йиғинлари ўзини ўзи бошқариш органлари бўлиб, улар икки ярим йил муддатга раисни (оқсоқолни) ва унинг маслаҳатчиларини сайлайди.

Ўзини ўзи бошқариш органларини сайлаш тартиби, фаолиятини ташкил этиш ҳамда ваколат доираси қонун билан белгиланади (Конституциянинг 105-моддаси).

Конституциянинг мазкур моддасига асосан посёлка, қишлоқ ва овулларда, шунингдек, маҳалла, шу жумладан шаҳарлардаги маҳалларда фуқароларнинг йиғинлари ўзини ўзи бошқариш органлари сифатида фаолият кўрсатади. Ушбу ҳолатга кўра, посёлка, қишлоқ ва овул, маҳаллалардаги давлат вакиллик органлари давлат органлари тизимидан чиқарилган ва ўзини ўзи бошқариш органлари тизимига ўтказилган.

Президент И.А.Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг бир йиллигига бағишланган тантанали йиғилишдаги нутқидаёқ бу ҳақида очиқ-ойдин айтган эди. Яъни Президент И.А.Каримов посёлка ва овуллар, маҳаллалар ўзини бошқариш асосида иш юритади, деб таъкидланган эди. Мана орадан қанча муддат ўтиб, ўзини ўзи бошқариш органлари ўз фаолиятини шу асосда давом эттирмоқда.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳақида сўз борар экан, бунда шубҳасиз посёлка, қишлоқ ва овуллардаги маҳалла, шу жумладан шаҳар таркибига кирувчи маҳаллалар, фуқаролар йиғини назарда тутилади. Бу йиғинлар амалий иш олиб бориш учун йиғин раиси (оқсоқол)ни ва унинг маслаҳатчиларини сайлайдилар. Бу сайлов ҳар 2,5 йилда бўлади. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фуқароларга жамоат ва давлат бошқарув ишларида қатнашиш ҳуқуқини йўлга қўйишда ёрдам беради, ўз ҳудудида ижтимоий ва ҳўжалик масалаларини эчади, оммавий ва маданий тadbирлар уюштиради, давлат ҳокимият органлари ишида ва Ўзбекистон Республикаси қарорларига амал қилишда, Президент Фармонлари, Республика ҳукумати, Халқ депутатлари Кенгаши ва ҳокимиятлар қарорларини бажаришда фуқароларни бирлаштиради.

Республикамизда кўп асрлик тарихга эга бўлган маҳалла Конституцияга асосан ўз ҳуқуқий мақомини олди. Маҳалла маҳаллий ўзини ўзи бошқариш тизимида халқ фикр-ўйларини идора қилувчи юридик мақомга эга бўлган энг демократик бошқарув органи сифатида намоён бўлди.

Маҳалла мақоми “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳақида” ги қонун билан ҳуқуқий жихатдан янада мустаҳкамланди. 1999 йил 14 апрелда эса бу қонун янги тахрирда қабул қилиниб, ўзини ўзи бошқариш органларининг жамиятимиздаги ўрнини янада мустаҳкамлади. Жумладан, янги тахрирдаги қонунга асосан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш тушунчаси, унинг ҳуқуқи ва ҳуқуқни қай тартибда амалга ошириш механизмлар аниқ кўрсатилди. Шунингдек, унда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг

худудлари ҳақидаги масалага аниқлик киритилди, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқаришнинг янги органлари жорий этилди.

Янги таҳрирдаги қонун орқали ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқий мақоми мустаҳкамланиш билан бирга, унинг ҳокимятдан ажратиб оладиган ваколатлари аниқланди. Бугунги кунда уларда ўнга яқин ваколатлар бор. Ҳозирги кунда аҳолига маҳалли орқали ижтимоий ёрдам кўрсатиш механизми муваффақиятли ишлаб турибди. бу ҳолат аҳолининг маҳаллага бўлган эътиборини янада оширди.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятига яқиндан кўмаклашувчи “Маҳалла” ҳайрия жамғармаси фаолият кўрсатмоқда. Бу жамғарманинг бевосита ёрдами билан фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари ишида жиддий ўзгариш қилинди. қонуннинг янги таҳририда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини шакллантириш ва уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш масаласига алоҳида моддалар бағишланганлиги жуда муҳимдир. Ўзбекистон Республикаси вилоятлар, шаҳар ва туманлар миқёсида ташкил этиладиган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш ишлари бўйича оқсоқоллар кенгаши мувофиқлаштириш вазифасини бажаради. 1999 йил ноябрь ойида Республика Оқсоқоллар Кенгаши тузилди ва таркиби белгиланди. Кенгаш таркибига тажрибали оқсоқоллар, маҳалла тизимининг ривожда ном чиқарган кишилар, “Маҳалла” жамғармаси вилоят бўлимлари раислари ва бошқа фаоллар киритилди. Республика Оқсоқоллар Кенгаши Низомини ишлаб чиқариш яқунланди ва у матбуотда эълон қилинди. Кенгаш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинди.

Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши ва Республика “Маҳалла” жамғармаси фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада тўғри йўлга қўйишда моддий ва маърифий жиҳатдан кўмаклашмоқда. Хусусан, Тошкент шаҳрида, вилоятларда бевосита оқсоқол, котиб, посбонлар фаолиятига оид ўқув услубий машғулотлар, улар фаолиятини бирлаштирган ҳолда умумий тадбирлар мунтазам ўтказилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятига бўлган жиддий эътибори Конституция ва қабул қилинган қонунлар амалиётининг кўринишидир. Президент Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сессияларида, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларида, Президентлик сайлови муносабати билан бўлган сайлов олди учрашувларида ўзини ўзи бошқариш органлари, хусусан, маҳаллаларнинг мамлакатимиз ҳаётидаги ўрни, айниқса, аҳолининг демократик жамият қуришда фаоллигини оширишдаги роли беқиёслигини алоҳида таъкидлаб келмоқда.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари жамият ва давлат ишларини бошқаришда қатнашишга доир ўз ҳуқуқларини рўёбга чиқаришларида фуқароларга кўмаклашади, ўзларига тегишли ҳудудларида ижтимоий-маданий ва хўжалик ишларини жойида ҳал этиш, оммавий-маданий тадбирларни ўтказиш, давлат ҳокимияти ва бошқарув

органларига Ўзбекистон Республикаси қонунларини, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг, халқ депутатлари Кенгашлари ва ҳокимларнинг қарорларини бажаришда ёрдамлашиш мақсадида фуқароларни бирлаштиради. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолиятини ташкил этиш ҳуқуқий асослари Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида мустаҳкамланган.

#### **Мавзунинг такрорлаш учун саволлар:**

1. Халқ депутатлари Кенгашлари қайси йўл билан ташкил этилади?
2. Фуқаролик ҳолати актларини қайд этишни таъминлаш қайси органнинг ваколатига киради?
3. Маҳаллий Кенгашларга неча ёшдан сайланиш мумкин?
4. Маҳалла қандай маънони англатади?
5. Фуқароларнинг йиғинлари қанча муддатга раисни (Оқсоқолни) ва унинг маслаҳатчиларини сайлайди?
6. Конституциянинг 100 – моддаси тўғрисида маълумот беринг
7. Маҳаллий ҳокимият органларига нималар киради?

#### **Адабиётлар:**

- Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Тошкент., 2001 йил
- Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Тошкент., 1996 йил
- Каримов И.А. Бунёдкорлик юлидан. Тошкент., 1996 йил
- Каримов И.А. Конституция ҳақида. Тошкент., 2001 йил
- Каримов И.А. Адолатли жамият сари. Тошкент., 1998 йил
- Саидов. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва инсон ҳуқуқлари. Т., 1998 йил
- Мустақиллик – изохли оммабоп луғат. Тошкент., 2000 йил
- Ўзбекистон Республикаси Конституциясига шарҳлар. Тошкент., 2001 йил
- Ўзбекистон республикаси Конституциясини ўрганиш. Тошкент., 2001 йил
- Ўзбекистон Республикаси Конституциявий ҳуқуқи. Наманган., 2002 йил

## 9 - мавзу. Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти конституциявий асослари.

Режа:

1. Ўзбекистонда суд ҳокимиятининг ташкил этилиши ва вазифалари.
2. Суд ҳокимияти органларининг тизими ва ҳудудий бирликларда ташкил этилиши.
3. Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди ва унинг фаолияти.
4. Прокуратура органлари, тизими.

### **Таянч иборалар:**

Суд, суд ҳокимияти, суднинг вазифаси, суд органлари, Конституциявий суд, прокуратура органлари, суд тизими.

**Ўзбекистонда суд ҳокимиятининг ташкил этилиши ва вазифалари.** Суд ҳокимияти кишилик жамиятида давлатнинг бунёдга келиши билан узвий борлиқ. У ижтимоий келишмовчиликлар, низолар, тажовузларга барҳам бериш ва адолат ўрнатиш учун ҳизмат қиладиган ҳокимият тарикасида вужудга келган. Жамиятни бошқариш учун давлатнинг юзага келиши ва унда суд фаолиятига бўлган эҳтиёж ҳам адолат ғояларининг маҳсулидир. Давлатнинг қачон ва қайси ҳудудда биринчи марта бунёдга келгани тўғрисида ҳозирча аниқ маълумотлар бўлганидек, суд тизими ҳам дастлаб қачон ва қаерда шакллانганлиги номаълум. Жамиятни бошқаришга оид барча зарур ишларни дастлабки даврларда жамоага сардор, саркарда бўлган, катта обрў-эътиборли, тажрибали шахслар бевосита ўзлари бажарганлар. Кейинроқ эса жамият аъзоларининг ўртасида юз берадиган низо ва тўқнашувларни бартараф этиш, ҳақлиларни ҳимоялаш, ноҳақларга таъсирий чоралар кўриш вазифаларини алоҳида лавозимли ҳакамлар зиммасига юкланган.

Барча ривожланган мамлакатларда адолатнинг мунтазам салоҳиятини таъминлаш учун суд тизими мавжуд. Ҳозир амалда бўлган 140 дан зиёд давлатларнинг Конституцияларида суд тизими ва унинг фаолиятига алоҳида ўрин берилган. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йилги Конституциясида ҳам 106-116-моддалар махсус бобга ажратилиб, суд тизимининг асосларига бағишланган.

Ўзбекистонда демократик жараёнларни чуқурлаштиришда суд ҳокимиятини шакллантириш муҳим таҳсинга лойиқ. Улар суд ҳокимияти жазоловчи орган эмас, ҳуқуқни ҳимоя қилувчи эканлигини яққол кўрсатади.

Суд тизимининг ташкил этилиши ва фаолиятига оид барча муҳим масалалар 1995 йил 30 августда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида"ги қонунда, 2000 йил 16 декабрда янги таҳрирда қабул қилинган "Судлар тўғрисида"ги қонунда, шунингдек фуқаролик, хўжалик ва жиноят-просессуал кодексларда батафсил баён этилган. Инсонпарварлик, демократия, барчанинг қонун ва суд олдида тенглиги, тортишув, айбсизлик презумпсияси каби одилona фаолиятнинг асослари судларнинг сало-ҳияти юқори бўлишига ҳизмат қилади

"Судлар тўғрисида"ги қонунда суднинг вазифалари ҳам аниқ белгилаб қўйилган. Бунга кўра, Ўзбекистон Республикасида суд Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва бошқа қонунларида, инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро ҳужжатларда эълон қилинган фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини суд йўли билан ҳимоя қилишга даъват этилган. Суднинг фаолияти қонун устуворлигини, ижтимоий адолатни, фуқаролар тинчлиги ва тотувлигини таъминлашга қаратилгандир

**Суд ҳокимияти органларининг тизими ва ҳудудий бирликларда ташкил этилиши.** Конституция олий даражадаги юридик кучга эга бўлиб, Республиканинг бутун ҳудудида бирдек қўлланилади. Шунга мувофиқ судлов ишларини кўриб чиқишда судьялар Конституция қоидалари ва қонун ости меъёрий-ҳужжатлар талабларига амал қилишлари лозим. Бунда судьялар аввало Конституцияни бевосита бирламчи манба сифатида тан олишлари шарт.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасида халқаро шартномалар талабларидан келиб чиққан ҳолда, халқаро ҳуқуқ нормаларига амал қилиш назарда тутилган.

Халқаро шартнома нормаларига зид бўлган қонунлар амалда судьялар томонидан қўлланилмайди. Қонунга риоя (амал) қилинмаган жойда қонунийлик тўғрисида сўз юритиш мумкин эмас. Бу ҳол ўзбошимчалик ҳисобланади. Демак, бу ҳолатларда қонунийлик ўзининг ижтимоий вазифасини бажара олмайди. Том маънодаги қонунийлик жиноий ва фуқаролик ишлари бўйича суд томонидан асосли, адолатли ҳукм ва қарорлар чиқарилишини таъминлайди. Бу ҳолат нафақат уларнинг ўз ҳуқуқларидан фойдалиниши, балки улар зиммасига юклатилган маълум мажбуриятларни ҳам бажариш зарурлиги одил судловни амалга оширишга оид қонун ҳужжатларида белгилаб берилган.

Судьяларнинг ҳуқуқий ҳолати, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, сайланиш тартиби, тайинланиши ва лавозимини эгаллаши, улар мустақиллигининг кафолатлари, шунингдек уларнинг моддий ва ижтимоий таъминоти Конституция ва 2001 йил 13 февралда эълон қилинган янги таҳрирдаги "Судлар тўғрисида"ги қонун нормаларида белгилаб қўйилган. Қонуннинг 63-моддасига мувофиқ, Олий суд ва Олий ҳўжалик судларининг судьялари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимномасига биноан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан сайланади. Қорақалпоғистон Республикаси судьялари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси Раисининг Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишилган тақдимномасига биноан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси томонидан сайланади ёки тайинланади.

Вилоят судлари, Тошкент шаҳар судлари, туманлараро, туман (шаҳар) судлари судьялари Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссиясининг тақдимномасига кўра,

хўжалик судларининг судялари эса, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди раисининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланади

Ҳарбий судлар судялари Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссиясининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланади.

Судялар беш йил муддатга сайланади ёки тайинланади. Илк бор судялик лавозимига сайланган ёки тайинланган шахс қонуннинг 64-моддасида белгиланган тартибда қасамёд қилади.

Қонун судяларнинг шахс даҳлсизлигини белгилайди. Судьянинг даҳлсизлиги унинг турар жойига, хизмат ҳонасига, фойдаланадиган транспорти ва алоқа воситаларига, хат-хабарларига, унга тегишли ашёлар ва ҳужжатларга тааллуқдир.

Қонун судяларнинг ўзларини ҳам жиноий жавобгарликка тортишнинг алоҳида тартибини белгилайди. Шунингдек, судяларнинг тегишли малака ҳайъатининг розилигисиз маъмурий жавобгарликка тортилиши мумкин эмас. Судяни жиноий жавобгарликка тортиш фақат қонун билан белгилаб қўйилган тартибда амалга оширилади. Судьяга нисбатан жиноят иши фақат Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан қўзғатилиши мумкин. Шунингдек, судья Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг ёки Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг розилигисиз жиноий жавобгарликка тортилиши, ҳибсга олиниши мумкин эмас.

Судялар даҳлсизлигининг барча кафолатлари судда ўз вазифаларини бажараётган халқ маслаҳатчиларига ҳам татбиқ этилади. Судялар ваколати, қонунда белгиланишича, ваколат мудадти тугагунга қадар тугатилмайди. Судя ваколатини муддатидан илгари тугатишга фақат қонуний асослар мавжуд бўлган қуйидаги ҳоллардагина йўл қўйилади: судянинг қасамёдини бўзган тақдирда; ёзма ариза берган тақдирда; судяларнинг тегишли малака ҳайъати томонидан огоҳлантириш қилинганидан ёки ваколатлари тўхтатилганидан кейин у судя лавозимига зид фаолият билан шуғулланишини давом эттираверган тақдирда; суд қарори билан муомалага лаёқатсиз деб топилган тақдирда; Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини йўқотган тақдирда; унга нисбатан суднинг айблов ҳукми қонуний кучга кирган тақдирда; суднинг қарори билан вафот этган деб эълон қилинган тақдирда; соғлиқи ҳолатига ёки бошқа узрли сабабларга кўра узоқ вақт мобайнида судялик вазифасини бажаришга қодир бўлмай қолган тақдирда.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Олий хўжалик суди судясининг ваколатлари муддатидан илгари Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан; вилоятлар, Тошкент шаҳар судлари, туманлараро, туман (шаҳар) судлари.

Депутатлик мандатига эга бўлиш, сиёсий партияларга ва ҳаракатларга аъзо бўлиш, ҳақ тўланадиган бошқа лавозимни эгаллаши мумкин эмас. Шунингдек, судда, хўжалик судида

ёки бошқа органларда қонуний вакил бўлишидан ташқари ҳимоячи ёки вакил бўлиб, шахсларнинг манфаатига ёки мажбуриятидан қутилишига таъсир ўтказувчи ҳомийлик қилишига йўл қўйилмайди.

**Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди ва унинг фаолияти.** Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятларнинг ҳужжатлари Конституцияга қанчалик мослигига доир ишларни кўради. Конституциявий суд сиёсат ва ҳуқуқ соҳасидаги мутахассислар орасидан –Конституциявий суд раиси, раис ўринбосарлари ва судьяларидан, шу жумладан Қорақалпоғистон Республикасининг вакилидан иборат таркибда сайланади. Конституциявий суднинг раиси ва аъзолари депутат бўла олмайдилар. Конституциявий суднинг раиси ва аъзолари сиёсий партиялар ва ҳаракатларнинг аъзоси бўлишлари ва бошқа ҳақ тўланадиган лавозимларни эгаллашлари мумкин эмас ( Конституциянинг 108-моддаси).

Конституциявий суд судьялари даҳлсизлик ҳуқуқидан фойдаланадилар. Конституциявий суд судьялари ўз фаолиятларида мустақилдирлар ва фақат Ўзбекистон Республикаси Конституциясига бўсунадилар.

Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Олий Мажлис қабул қилган бошқа ҳужжатлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, Ҳуқумат ва давлат ҳокимияти ҳамда маҳаллий органларининг қарорлари, Ўзбекистон Республикасининг дхавлатлараро шартномалар билан олган бошқа мажбуриятлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мослигини аниқлайди;

Конституциявий суд фақат Ўзбекистон Республикаси Конституциясига амал қилган ҳолда ишларни ҳал этади ва хулосалар беради, чунки Конституцияда мазкур судга нисбатан тегиши эътибор мавжуддир.

Конституциявий суд Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан Олий Мажлис томонидан суд раиси, раис ўринбосари ва Қорақалпоғистон Республикасидан сайланадиган судьяни қўшган ҳолда Конституциявий суднинг беш аъзосидан иборат таркибида сайланади. Конституциявий суднинг ҳар бир судьяси яқка тартибда сайланади. Олий Мажлис депутатлари умумий сонининг кўпчилики овозини олган шахс судья этиб сайланган ҳисобланади.

Конституциявий суд таркибида камида тўртта киши сайланган тақдирда суд ўз фаолиятини бошлашга ҳақлидир. Судья Конституциявий суд таркибидан чиқиб кетган тақдирда Олий Мажлис ушбу моддада белгиланган тартибда бошқа шахсни сайлайди.

Конституциявий суд беш йиллик муддатга сайланади ва доимий ишлайдиган органдир. Мажлислари заруратга қараб ўтказилади. Конституциявий суд фаолиятининг асосий принциплари Ўзбекистон Республикаси Конституциясига содиқлик, мустақиллик, коллегиялик, ошқоралик ва судьялар ҳуқуқларининг тенглигидан иборат.

Конституциявий суднинг судялари қарор қабул қилар эканлар, амалий мақсадга мувофиқлик, мулоҳазалилик, сиёсий мойиллигидан ва бошқа ташқи таъсирлардан ҳоли бўлган ўз ҳуқуқий назарларини ифодалайдилар. Конституциявий суднинг фаолиятига аралашшига йўл қўйилмайди ва бундай аралашшиш қонунга биноан жавобгарликка тортишга сабаб бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди:

1) Қонунларнинг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қабул қилган бошқа ҳужжатларнинг, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонларининг, Ҳукумат қарорларининг, давлат ҳокимияти маҳаллий органлари қарорларининг, Ўзбекистон Республикаси давлатлараро шартномаларининг ва бошқа мажбуриятларининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мослигини аниқлайди:

2) Қорақалпоғистон Республикасининг Конституцияси Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, Қорақалпоғистон Республикасининг қонунлари Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқлиги тўғрисида хулоса беради;

3) Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларининг нормаларига шарҳ беради;

4) Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари билан берилган ваколат доирасида бошқа ишларни ҳам кўриб чиқади.

Конституциявий суднинг қарорлари матбуотда эълон қилинган пайтдан бошлаб кучга киради. Улар қатъий ва улар устидан шикоят қилиш мумкин эмас.

Конституциявий судни ташкил этиш ва унинг фаолият кўрсатиш тартиби қонун билан белгиланади.

Конституциявий суд қандай ишларни кўриши 108-моддада қайд этилган. Мазкур моддадаги Конституциявий суд тўғрисидаги қонунда белгиланган суднинг ташкил этилиши ва фаолият кўрсатиши тартиби масалаларига тўхталамиз. Агар олинган материаллар қўйилаётган талабларга жавоб берса, Конституциявий суд улар олинган кундан эътиборан этти кунлик муддатдан кечиктирмай масалани ўрганиб чиқишга киришади. Конституциявий судда тегишли материал олинган пайтдан бошлаб кечи билан уч ой ичида кўриб чиқиладиган масала юзасидан қарор қабул қилинади.

Конституциявий суд алоҳида ҳужжат сифатида қабул этилган қарор билан боғлиқ бўлмаган масалани ёки кўриладиган саволдан келиб чиқадиган ва уни юқорида қайд этилган масалани ўрганиш тартибидан ташқари ҳолда кўриб чиқиши мумкин. Конституциявий суд мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти, Олий Мажлис Раиси, унинг ўринбосарлари, Бош Вазир, Қорақалпоғистон Республикаси Раиси, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Раиси, Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик судининг Раиси, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва Адлия вазири қатнашишлари мумкин. Улар кўриб чиқиладиган барча масалалар юзасидан ўз фикрларини баён этишга ҳақлидирлар.

Конституциявий судда иш юритиш Ўзбекистон Республикаси давлат тилида амалга оширилади. Давлат тилини билмайдиган мажлис қатнашчилари ўз она тилида сўзга чиқишлари ва тушунтиришлар беришлари ҳамда таржимон хизматидан фойдаланишлари мумкин. Конституциявий суднинг мажлисига зарур маълумот ёки материалларга шахслар, экспертлар ва мутахассислар чақиртирилиши мумкин. Конституциявий судда ишларни кўриш муносабати билан жалб этилган экспертлар, мутахассислар ва таржимонларга қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳаражатлар ва ҳақ тўланади.

Конституциявий суднинг мажлисига Олий суд раиси, Бош прокурор, Адлия вазири, тарафлар ва уларнинг вакилларининг келмаганлиги ишнинг кўрилиши, тегишли қарорнинг қабул қилиниши, тўхтамларнинг берилиши ва ўзга қарорларнинг қабул этилишига тўсқинлик қилмайди.

**Прокуратура органлари, тизими.** Конституциянинг 118-моддасида “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир ҳилда бажарилиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар амалга оширади”, деб таъкидланган.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ бир ҳилда бажарилиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар амалга оширади (Конституциянинг 118-моддаси).

Прокуратура ўз ваколати доирасида давлат функцияларини амалга оширишди ва биринчи навбатда, давлат амалиётининг мустақил тармоғини ташкил этувчи қонунларнинг аниқ ва бир ҳилда бажарилиши (прокурор назорати остида), қонунчилик ва тартиботни таъминлашда иштирок этади.

Бош Прокурор ва унга бўйсунувчи прокурорлар мазкур Конституцион амалиёт доирасида вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, корхоналар, ташкилотлар, ҳокимлар, бошқа мансабдор шахслар, шунингдек, фуқаролар томонидан қонунларнинг бажарилишини назорат қиладилар.

Юридик ва жисмоний шахслар ўз фаолиятларини қонунга асосланган ҳолда ёки ўзаро муносабатларни амалдаги норматив- ҳуқуқий актлар орқали мувофиқлаштиришлари натижасидагина қонунларни аниқ ва бир ҳилда бажарилиши борасидаги Конституцион талаблар ижро этилади. Бу борада қонунларни аниқ ва бир ҳилда бажарилиши қабул қилинаётган барча норматив-ҳуқуқий актларнинг маъно жиҳатидан мувофиқлигини таъминлашга қаратилганлиги муҳим бўлиб, уларни қўллаш чоғида юзага келиши мумкин бўлган норматив-ҳуқуқий актлардаги ноаниқликлар, нотўғри ёки қарама-қаршиликларни бартараф этишда кўмак беради:

Қонунлар ижроси назорати фақат Конституция ва Ўзбекистон Республикаси қонунлари негизида амалга оширилиб қолмай, балки ўзга норматив актлар доираси даражасида ҳам кенгайтирилган. Жумладан, қонундан келиб чиқувчи ва ижро тартибини белгилаб берувчи,

шу билан бирга қонунга зид бўлмаган қонуннинг баъзи бандлари ҳуқуқий кучга эга деб қаралувчи Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралари актлари, давлат ҳокимиятининг жойларидаги вакиллари органлари актлари назарда тутилади.

Ўзбекистон республикаси Бош Прокурори ва унинг муовинлари Ўзбекистон Республикаси Президенти, кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан тасдиқланиш асосида тайинланади ва вазифасидан озод қилинади. Ўзбекистон республикаси Бош Прокурорининг ваколат муддати 5 йил. Бош прокурор Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси олдида ҳисобдордир. Шу боис, Ўзбекистон Республикаси Бош Прокурори Ўзбекистон Республикаси Президентини мунтазам равишда қонунийлик ҳолати, жиноятчиликка қарши олиб борилаётган кураш ҳусусида хабардор қилиб туриш билан бирга, оғир жиноятлар, ғавқулдда ҳолатлар ҳусусида дарҳол хабар бериб туради ва ҳар 6 ой давомида амалга оширилган ишлар ҳақида ахборот беради. Шунингдек, ҳар 5 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси олдида ҳисобот беради.

Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари тизими Ўзбекистон Республикаси прокуратураси, Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, шаҳар ва туманлар прокуратураси ҳамда туманлараро прокуратуралардан ташкил топган.

Вилоят, Тошкент шаҳар ва уларга тенглаштирилган прокурорлар, шунингдек, шаҳар, туман ва уларга тенглаштирилган прокурорлар Ўзбекистон Республикаси Бош Прокурори тарафидан 5 йил муддатга тайинланадилар. Зикр этиб ўтилган прокурорлар Ўзбекистон Республикаси Бош Прокурори ва ўзларидан юқори турган мансабдорларга бўйсунанадилар ва улар олдида ҳисобот берадилар.

Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органлари ўз ваколатларини ҳар қандай давлат органлари, жиноят бирлашмалари ва мансабдор шахслардан мустақил ҳолда, фақат қонунга бўйсуниб амалга оширадилар (Конституциянинг 120-моддаси).

Прокурорлар ўз ваколатлари даврида сиёсий партияларга ва сиёсий мақсадларни қўзловчи бошқа жамоат бирлашмаларига аъзоликни тўхтатиб турадилар.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 121-моддасида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда жамоат бирлашмалари ва айрим фуқароларнинг кучларини жалб қилишга рўхсат берувчи норма белгиланган.

Шундай қилиб, қонунчиликни таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинларини муҳофаза қилиш, жиноятчиликка қарши кураш фақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, жамоат бирлашмалари ва фуқароларнинггина эмас, балки бутун жамиятимизнинг умумий вазифасидир.

Прокуратура органларининг ягона марказлаштирилган тизимига Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори бошчилик қилади. Қорақалпоғистон Республикасининг прокурори Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори билан келишилган ҳолда Қорақалпоғистон Республикасининг олий вакиллик органи томонидан тайинланади.

Прокуратура органлари ўз фаолиятларини куйидаги асосий йўналишларда амалга оширадилар:

Инсон ва фуқароларнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, шахсий ҳуқуқлари ва эркинликлари муҳофаза қилишга қаратилган қонунларнинг аниқ ва бир ҳилда ижро этилиши устидан назорат олиб бориш.

### **Мавзунини такрорлаш учун саволлар**

1. Ўзбекистон Республикаси ҳудудда қонунларнинг аниқ ва бир ҳилда бажарилиши устидан назоратни ким амалга оширади ?

1. Хўжалик судлари қандай низоларни кўриб чиқади?

2. Конституциявий суднинг қарорлари қайси пайтдан бошлаб кучга киради?

3. Конституциявий суд судьялари кимга буйсунадилар?

4. Прокуратура органларининг ягона марказлаштирилган тизимига ким бошчилик қилади?

5. Ўзбекистон республикаси Бош прокурорининг, Қорақалпоғистон Республикаси прокурорининг вилоят, туман, шаҳар прокурорларининг ваколат муддати неча йил?

6. Прокуратура органларининг ягона марказлаштирилган тизимига ким раҳбарлик қилади?

### **Адабиётлар:**

- Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Тошкент., 2003 йил
- Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан колсин. Тошкент., 1996 йил
- Каримов И.А. Бунёдкорлик юлидан. Тошкент., 1996 йил.
- Каримов И.А. Конституция ҳақида. Тошкент., 2001 йил
- Каримов И.А. Адолатли жамият сари. Тошкент., 1998 йил
- Мингбоев У.К. Суд қандай ҳокимиятқи. Тошкент., 1999 йил
- Саидов А. Қиёсий Конституцияшунослик. Тошкент., 1993 йил
- Аҳмедов А.У. Конституциявий Қонунни амалга оширишнинг долзарб масалалари. Тошкент., 2002 йил
- Прокурор назорати ҳуқуқи. Қонун ҳимоясида. 2003 йил, 6-сон
- Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш. Тошкент., 2001 йил
- Ўзбекистон Республикаси Конституциявий ҳуқуқи. Наманган., 2002 йил.

## МАЪНОЛАР ХАЗИНАСИ.

**Конституция** - атамаси лотинча сўздан олинган бўлиб, белгилайман" "Таъсис этаман" деган маънони билдиради. Бу атама қадимги Рим қонун ҳужжатларида учрайди. Ўша даврда император томони белгиланадиган, таъсис этиладиган турли ҳужжатларни англацада, аслида давлат қонунчилиги тизимининг энг тепасида турувчи асосий қонун ҳисобланган.

**Фуқаролик** - деганда шахснинг маълум бир давлат билан узвий сиёсий-ҳуқуқий муносабати тушунтирилиб, бунда шахснинг (маълум) ҳуқуқ ва эркинликлари давлат томонидан қўриқланади, шунинг учун ўз навбатида шахс ҳам жамият ва давлат манфаатларидан келиб чиқиб, маълум мажбуриятларнинг бажарилишини ўз зиммасига олади.

**Демократия** - Халқ ҳокимияти, фуқароларнинг озодлик ва тенглиги принципларини эълон қилишга асосланган сиёсий тузум формаси. Давлат озчиликнинг кўпчиликка бўйсунлигини давлат ҳокимияти асосий органларининг сайлаб қўйилишини сиёсий ҳуқуқ ва эркинликлар мавжуд кўзда тутади.

**Референдум** – (лотинча “референдум”- эълон қилиниши лозим ҳабар)- жамиятни демократик бошқариш жараёнида қўлланиладиган тадбирлардан бири, баъзи муҳим

масалаларни умумхалқ овозига, умумхалқ сўровига халқ муҳокамасига қўйиб ҳал этиш.

**Қонун** – Ҳодисалар ўртасидаги зарур, жиддий барқарор тақдорланиб туриладиган муносабатлар, воқеаларнинг вақтида йўналиши ёки бориши тартиби. Давлат ҳокимияти олий органининг Конституция билан ўрнатилган тартибда қабул қилинган норматив акти. Қонун, бу унинг сўзсиз бажарилишида (қонун чиқарувчи органдан бошқа ҳеч қандай орган Қонунни бекор қилолмайди ёки ўзгартира олмайди), ва барча давлат ва жамоат органларига уларнинг актларини Қонунга мувофиқлаштириш талабидир.

**Қонун** – Кишилар иродасини ифодаладиган, давлат томонидан белгиланган ва таъминланадиган умуммажбурий юриш-туриш қоидалари (нормалари) системасидир. ёки ижтимоий муносабатларда кишиларнинг расмийлашган тенглиги асосининг меъёрий шаклидир.

**Адолат** - ( арабча “адолат” – одиллик , тўғрилик) – ахлоқ ва ҳуқуқнинг меъёрий категорияларидан бири бўлиб, мавжуд ижтимоий воқелик иносн моҳиятига ва ҳуқуқларига мос ёки мос эмаслигини ажратишда мезон бўлиб ҳизмат қилади.

**Ташқи сиёсат** – бу давлат идоралари, сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари томонидан халқаро майдонда амалга ошириладиган фаолиятидир. Ташқи сиёсат ўзининг мақсад ва моҳиятига кўра икки хил бўлади: тинчликсевар сиёсат, тажовузкор сиёсат.

**Бирлашган Миллатлар Ташкилоти** (БМТ) – Мустақил давлатлар куч-қувватларини, халқлар ўртасида мустаҳкам тинчлик ва ҳавфсизлик муносабатларини ҳамда давлатлар

ўртасида ўзаро тинчлик, ҳамкорликни қўллаб-қувватлаш ва мустаҳкамлаш мақсадида ихтиёрий равишда бирлаштириш заминида таъсис этилган халқаро ташкилотдир. Бу ташкилот 1945 йил 24 октябрда АҚШнинг Сан-Франсиско шаҳрида ер юзининг 50та давлат вакиллари қатнашган анжуманда имзоланган Низом билан иш бошлаган.

**Шахснинг ҳуқуқий ҳолати**- жамият ва шахс ўртасидаги муносабатлар давлат пайдо бўлгандан сўнг асосан давлат ва шахсга нисбатан акс этади. Чунки давлат жамиятдан келиб чиқди. Шахснинг давлатдаги ҳолатини ҳуқуқий қоидалар билан мустаҳкамлаш натижасида янги тушунча-шахснинг ҳуқуқий ҳолати тушунчаси пайдо бўлади.

**Кафолат** - арабча “кафолат” –масъулиятли ишонтириш) – масъулиятни, ишонтиришни, жавобгарликни ўз устига олган ҳолда, таъминлаш; кафиллик, гарантия. Кафолат инсониятнинг, жамиятнинг демократия ва ҳуқуқий давлат томон ривожланиш жараёнида қўлга киритган ютуқларидан биридир. Демократия ҳуқуқий давлат инсон, ташкилот ва оммавий ҳаракатларнинг ҳуқуқларини Конституцияда ва бошқа давлат ҳужжатларида эълон қилиш билан чекланиб қолмай, улардан амалда фойдаланишни кафолатлайди, яъни таъминлайди, ҳаётда амалга оширишга барча шарт-шароитларни яратиб беради.

**Декларасия** – (лотинча - баёнот, эълон). Бир томонлама, икки томонлама ёки кўп томонлама акт бўлиб, унда давлатлар, ҳукуматлараро ёки халқаро жамоат ташкилотлари сиёсат, халқаро муносабатлар ёки халқаро ҳуқуқ соҳасидаги принципларни белгилайдилар ёки у ёки бу масалалар бўйича ўз позисияларини баён қиладилар.

**Инсон ҳуқуқлари** – бу жамиятнинг энг олий қадрияти, қиммати бўлиб, бутун инсониятнинг интилишлари, умидларини ўзига жамлаган Конституциявий институт, демократик ҳуқуқий давлатнинг муҳим белгиси ҳар бир давлатнинг демократик тараққиёти даражасини кўрсатувчи ҳуқуқий мезондир. Барча кишиларнинг қонун олдида тенглиги, яшаш ва шахсий дахлсизлиги, инсон шаънини ҳурматлаш, эътиқод ва виждон эркинлиги ва бошқа шундай ҳуқуқлар ҳар қандай демократик давлат томонидан қўриқланади ва кафолатланади.

**Омбудсман** – (шведча “хөмбуцмен”) – ҳукумат идоралари фаолиятини тафтиш, назорат қилувчи мансабдор шахс ёки вакил. Омбудсман Оврупа ва Америкада буржуа революциялари амалга оширилган даврдаёқ кенг тарқала бошлаган “ҳуқуқий давлат” тушунчасининг маҳсулидир. Ҳуқуқий давлат ғояси ҳокимиятлар ўзбошимчалигини чеклаб қуйиш, уларнинг фаолиятини ўзларидан устун турган ҳуқуққа бўйсундиришни англатади. Амалда бундай давлатлар Иккинчи жаҳон урушидан кейин таркиб топа бошладилар. Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигини қўлга киритгач, халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган қоидаларидан бири сифатида инсон ҳуқуқи ва эркинликларини муҳофаза қилиш ва унинг кафолатини таъминлашга муҳим эътибор қаратди. Бинобарин, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳамма нарсадан устун қўйилиши Ўзбекистон Конституциясининг асосий моҳиятини ташкил этади. Ўзбекистондаги ҳозирги

туб ислохотлар жараёни инсон ҳуқуқларини қай даражада таъминланаётганлигини синчковлик билан назорат ва таҳлил қилишни тақозо этади. Бу ўта долзарб муаммони ҳал қилиш учун, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси мансабдор шахслар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, давлат

органлари фаолиятида инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан парламент назоратини амалга ошириш мақсадида Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) лавозимини таъсис этди ва бу ҳақида махсус Қонун қабул қилди.

**Сиёсий партия** – (лотинча “парц”, “партис” – қисм, гуруҳ, эски ўзбекчаси арабчадан “фирқа” – гуруҳ, тўда) – умумий ғоя ва манфаат, ижтимоий-сиёсий мақсадлар асосида одамларни ихтиёрий равишда уюштирувчи турғун ташкилот, фуқаровий жамият билан давлатни бир-бирига боғловчи энг муҳим воситалардан бири, ҳозирги замон ҳуқуқий демократик давлати ҳаётининг зарурий омилларидан бири. Дунёдаги ривожланган мамлакатларда сиёсий партиялар сайлов тизими воситасида марказдаги ёки жойлардаги ҳокимиятни қўлга киритиш ёхуд ундаги лавозимларни сайловда олган улушларига қараб мутаносиб равишда тақсимлаб олишга ҳаракат қиладилар.

**Мулк** - бу модий ва маънавий бойликларни қонуний равишда ва белгиланган тартибда кишилар томонидан ўзлаштириш шаклидир.

**Юридик шахс** – муассаса, корхона ёки ташкилот; инсон ҳуқуқлари ва мажбуриятларининг мустақил субъекти сифатида ўзига юклатилган функцияларни бажарувчи муассаса, ташкилот. Юридик шахс мулк бўйича судларга даъвогар ва жавобгар бўлиш ҳуқуқига эга. Қонунда маъмурий актда ёки ўз уставида кўрсатилган вазифаларни амалга оширади, ўз мулкига ва ўз мажбуриятларига мустақил равишда жавобгардир.

**Тўртинчи ҳокимият** – жамиятдаги оммавий ахборот воситалари(ОАВ) нинг, яъни рўзномалар, ойномалар, радио, телевидение ва оммавий ахборот тарқатишнинг бошқа воситаларининг жамият аъзоларига таъсир кучига айтилади. Ҳокимиятнинг учта асосий тармоғи – қонун чиқарувчи, ижро қилувчи ва суд тизими ҳокимиятларидан фарқи ўларок, “тўртинчи ҳокимият” улар каби, милисия, прокуратура, миллий давлат хавфсизлик хизматига ўхшаш, ўз фикри-қарорини мажбуран амалга оширадиган органларга эга эмас. Шу жиҳатдан “Тўртинчи ҳокимият” тўғри маънода эмас, балки кўчма маънодаги ҳокимиятдир. Аммо “тўртинчи ҳокимият”, худди ҳақиқий ҳокимият каби, жамиятнинг турли соҳалари фаолиятини таҳлил этади, назорат қилади, уларни бошқариш ва ташкилий томонларини ўрғанади, бу борадаги камчиликлар ва ҳатоларга омманинг, ҳокимият тармоқларининг диққатини жалб этиб, жамият тараққиётини тезлаштиришга, долзарб масалаларнинг ўз вақтида ва самарали ҳал этилишига кўмаклашади, мамлакат раҳбариятига ички ва ташқи сиёсат, иқтисод ва маданият- маънавият соҳасида тўғри қарорлар қабул қилиш учун замин тайёрлаб, халқ оммаси фикри ва ҳаракатларига ижобий йўналиш беради.

**Суд ҳокимияти** – бу жамият, синфлар, миллатлар, гуруҳлар, индивидларнинг ҳуқуқ ва қонунларда ифодаланган иродасининг адо этилишини назорат қилувчи идоралардир.

**Халқ ҳокимиятчилиги** - атамаси юнонча "демократия" сўзининг ўзбек тилига таржимаси бўлиб, бу ибора илк бора юнон шаҳар давлатида пайдо бўлган ва кейинчалик бутун дунёга тарқалган ҳамда сиёсий луғатдан мустаҳкам ўрин олган. Демократия сўзи "демос" халқ ва "кратос" ҳокимият сўзларининг бирикмасидан тузилиб, "халқ ҳокимиятчилиги" деганидир.

**Президент тушунчаси Конституциявий-** ҳуқуқий маънода давлат бошлиғини англатади. Айнан шунинг учун бу институт жаҳон давлат- ҳуқуқ амалиётида яратилган эди. Унинг бундай роли Президенти бўлган ҳар қандай замонавий демократик республикага ҳосдир. Президент давлатни жипслашгириши, давлат ҳокимияти механизмининг барқарорлиги таъминлаши лозим. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йилги Конституциясига мувофиқ Президент ҳокимиятлар бўлиниши принципига риоя қилинишида давлат механизмининг энг муҳим институтидир. Давлат бошлиғи сифатида Президент давлат ҳокимияти органлари тизимида этакчи роль ўйнайди. Президент давлат ичида ва халқаро муносабатларда Ўзбекистоннинг Олий вакилликни амалга оширади. Давлат бошлиғи ўзида у ёки бу ҳокимият тармоғини эмас, балки давлат ва бутун давлат ҳокимиятининг бирлигини намоён этади.

**Парламент** - демократик давлатларда олий вакиллик ва қонунчилик органининг номи ҳисобланади. Парламент илк бор XIII – асрда Англияда табақа вакиллиги органи сифатида ташкил қилинган бўлиб, у ўзининг асл аҳамиятини XVII- XVIII асрлардаги буржуа инкилобларидан сўнг эгаллайди. Парламент Олий вакиллик органининг ўз номини белгилаш учун Буюк Британия, Франция, Италия, Канада, Белгияда қўлланилади.

## МУҲДАРИЖА

1-МАВЗУ. Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш ўқув курси, унинг мақсад ва вазифалари.....5-10 бет

2-МАВЗУ. Ўзбекистоннинг 1992 йилги Конституциясининг вужудга келиши.....11-20 бет

3-МАВЗУ. Мустақил Ўзбекистоннинг 1992 йилги Конституцияси ва унинг асосий тамойиллари .....20-29 бет

4- МАВЗУ. Ўзбекистонда инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари.....29-39 бет

5-МАВЗУ. Ўзбекистонда жамият ва шахс муносабатларининг Конституциявий белгилари .....39-46 бет

6 - МАВЗУ. Ўзбекистон Республикасининг давлат ва маъмурий-ҳудудий тузилиши.....	46-54 бет
7 - МАВЗУ. Ўзбекистон Республикасида қонун чиқариш ҳокимиятининг амалга оширилиши ва Конституциявий асослари.....	54-62 бет
8 - МАВЗУ. Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат ва ижроия ҳокимият бошлиғи .....	62-71 бет
9 - МАВЗУ. Ўзбекистон Республикасининг маҳаллий ҳокимият органлари.....	71-79 бет
10 - МАВЗУ. Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти Конституциявий асослари.....	79-89 бет